

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 31(575.1)

ГОЙИБНАЗАРОВ БАҲОДИР КАРИМОВИЧ

**Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб
чиқишининг илмий-методологик асослари (статистик аспект)**

08.00.06—"Эконометрика ва статистика" ихтинослиги

**Иқтисод файлари доктори
илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2006

311(043.3)
F

2

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Статистика кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академиясининг академиги, иқтисод
фанлари доктори, профессор
Гуломов Саидхор Саидхамедович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Ёркул Абдуллаевич,
иктисод фанлари доктори, профессор
Беркинов Бозорбай Беркинович,
иктисод фанлари доктори, профессор
Улашев Истам Одилович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
ФА Иқтисодиёт институти

Диссертация 2006 йил 25 маъ соат 10⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтинослашган кенгаш мажлисида химоя қилинади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил 24 апрел да тарқатилди.

Ихтинослашган кенгаш
илмий котибаси, иқтисод
фанлари доктори, профессор



М.С.Қосимова

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Ўзбекистонда ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши, нуфузли ҳалқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши жаҳон андозаларига мувофиқ миллий иқтисодиётнинг статистик услубиятини, иқтисодий-статистик таҳлили ҳамда макроиқтисодий даражалардаги истиқболларини аниглаш ва уни янада такомиллаштириши талаб килади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий хисоблар тузишни таъминлайдиган ҳамда ҳалқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш асосий вазифалардан биридир”¹, – деб таъкидлаган эди.

Шу жиҳатдан ҳам ҳалқаро андозалар талабларига мувофиқ, республикада миллий хисоблар тизимини жорий этиш юксак аҳамиятга молик бўлган йўналишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун “Ўзбекистонда ҳалқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури”² ишлаб чиқилди ва у босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Лекин республикада ушбу дастур бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳамон маҳаллий миллий хисоблар тизимининг жорий этишда қатор макро-мезо-микро даражаларда муаммолар мавжуд бўлиб, улар бу соҳада олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқот ишларини кенгайтиришиңи тақозо этмоқда. Шу боис, Ўзбекистон миллий статистикасини ҳалқаро амалиётда қабул қилинган андозаларга ўтказиш ҳамда маҳаллий шароитларга уйғунлашган миллий хисоблар тизими(МХТ)ни ишлаб чиқиши, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳалқаро таққослаш, уларни макроиқтисодий-статистик таҳлил қилиш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бири хисобланади ва бу мавзунинг долзарбилигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий хисоблар тизимининг назарий ва услубий асослари хорижий мамлакатларнинг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан тадқик этилган бўлиб, бу соҳада Ж.Кейнс, С.Кузнец, Р.Стоун, Ж.Маршалл, Ж.Мида, Р.Хансен, Р.Фроман ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Хусусан, инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнснинг макроиқтисодий назариясида иқтисодий жараён натижаларини бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ўзгарувчилик орқали (умумий даромад, истеъмол, инвестиция, жамғарма) пул хисобида тадқиқ этишга эътибор қаратилган. Шунингдек, Ж.Кейнс миллий хисоблар тизимининг муҳим назарий ва услубий асосларини шакллантиридаги³.

Р.Стоун миллий хисобларнинг ҳозирги тизимига асос солди. У биринчи лардан бўлиб бухгалтериянинг иккιёклами ёзиш тамойилини макроиқтисодий

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини кайта ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони. “Ҳалқ сўзи” газетаси. 2002 йил 26 декабрь

² “Ўзбекистонда ҳалқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 433 -сонли карори. 1994 йил 24 август.

³ Иванов Ю.Н. Перспективы перехода на систему национальных счётов в странах СНГ. // Ж.Вопросы экономики 1993, № 5, с.28.

даражада кўллади. Р.Стоуннинг йигма матрицаларида иқтисодиёт тузилмаси ва унинг харакат жараёнлари стандарт кўрсаткичлар(миллий махсулот, истеъмол, савдо баланси кабилар)ни гурухлаш асосида изоҳлаб берилган ва молия баланси миллий хисоблар тизимига киритилган⁴. Лекин уларнинг илмий ишларида МХТнинг умумметодологик масалалари факат умумий тарзда ва тегишли мамлакатларнинг шароитларига мослаштирилган ҳолда кўриб чиқилган.

МДХ давлатлари олимларидан Б.И.Башкатов, А.Л.Вайнштейн, В.И.Жеребин, В.К.Зайцев, С.М.Загладина, Ю.Н.Иванов, А.И.Медведев, Д.И.Молчанов, Г.Д.Кулагина, В.М.Кудров, Б.П.Плышевский, М.Г.Назаров, Л.И.Нестеров, А.Н.Пономоренко, П.Погосов, Б.Т.Рябушкин, Т.Б.Рябушкин, В.Н.Салин, А.В.Сиденко, М.Р.Эйдельман, К.Г.Чобану., Т.А.Хоменко ва бошкалар ҳам миллий хисоблар тизимининг ривожланишига муносиб ҳисса кўшдишлар. Жумладан, Ю.Н.Ивановнинг илмий изланишлари миллий хисобларни назарий асосларини кенг очиб беришга ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларни халқаро таққослашнинг турли усулларини изоҳлашга қаратилди⁵. Албатта, муаллиф изланишларида миллий хисобларни ишлаб чиқиш бўйича зарурӣ маълумотлар келтирилган. Лекин миллий хисобларнинг иқтисодий секторларга гурухланиши, асосий счёtlарнинг ишлаб чиқиш масалаларига ёндашилиб, етарлича ёритиб бера олмаган. Г.Д.Кулагина миллий иқтисодаёт, ҳам сектор счёtlарини ишлаб чиқиш, шунингдек МХТни таҳлил килишининг асосий йўналишлари бўйича ўз тавсияларини баён этган. Аммо унинг илмий ёндашувларида миллий хисоблар тизимининг назарий асослари, макроиқтисодий кўрсаткичларининг халқаро таққослашнинг услугубий асослари етарлича ёритиб берилмаган ва ҳ.к.лар⁶.

Маҳаллий миллий хисоблар тизимини иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кўллаш ва моделларини тузиш бўйича Ўзбекистонда фаолият юритаётган иқтисодчи олимлардан Ё.А.Абдуллаев, А.Абдугафаров, Э.А.Акромов, Р.А.Алимов, Д.Қ.Аҳмедов, Т.М.Аҳмедов, Б.Б.Беркинов, Н.М.Махмудов, Б.М.Махмудов, Х.Набиев, А.А.Набиҳўжаев, С.С.Фуломов, С.А.Чепель, Т.Ш.Шодиев, Б.Ю.Ходиев, Н.М.Соатов, И.О.Улашевларнинг қўшган ҳиссаларини эътироф этиш лозим. Улар ўз тадқиқотларида миллий хисоблар тизимига алоқадор бўлган у ёки бу масалаларни чукур ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича илмий фикрлар билдиришган. Хусусан:

Р.А.Алимовнинг докторлик илмий изланишида Ўзбекистон Республикасида МХТни жорий этишининг методологик муаммолари сиёсий-иқтисод нуктаи назардан ўрганилган. Республикада МХТни ишлаб чиқишининг зарурятини асословчи, унинг мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари ҳамда боскичларини акс эттирувчи янги илмий-назарий ва амалий йўналишлари ишлаб чиқилган⁷.

⁴ Стоун Р. Метод затраты –выпуск и национальные счёта (пер.с. англ.) -М.: "Статистика",1964, с. 212.

⁵ Иванов Ю.Н. Система национальных счётов–инструмент макроэкономического анализа. Учебное пособие.- М.: "Финстатинформ", 1997, с. 256.

⁶ Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. Учебник. М.: "Финансы и статистика", 1997, с. 670.

⁷ Алимов Р.А. Методологические проблемы построения системы национальных счётов Республики Узбекистан: Дис на .. док. ёкон. наук /АН Респ. Узбекистан, Инс-т экономики .-Т., 1993. с.316

Муаллиф республикада МХТнинг асосий макроинтисодий кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш, асосий счетларни тузиш бўйича информацион таъминотини мукаммаллаштириш, макроинтисодий кўрсаткичларни статистик моделлаштириш, айниқса мамлакатда МХТни жорий этиш масалаларини статистик жиҳатдан тадқик этишни ўз олдига мақсад килиб қўймаган.

Умуман юкорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларини ўрганиб, таҳлил қилиш асосида шуну таъкидлаш лозимки, миллий хисоблар тизимини ишлаб чиқишининг соғ статистик жиҳатдан чуқур таҳлилий муаммолари ва иктиносидётни эркинлаштириш шароитида республикада уни жорий қилишининг назарий, услугубий, татбиқий масалалари ўрганилмаган ва ҳал қилинмаган. Айнан шу ҳолат республикада миллий хисоблар тизимини ишлаб чиқишининг статистик жабҳадаги илмий методологик асосларини тадқикот мавзуи сифатида таъланши тақозо этди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Давлат фан техника маркази томонидан “Марказлаштирилган режали, маъмурий бошқарув тизимидан бозор муносабатлари асосларига ўтишнинг ўзбек модели” (№0198000704) доирасида бажарилаётган илмий тадқиқот лойиҳаси режасига киритилган.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон миллий иктиносидётининг глобаллашуви шароитида жаҳон андозаларига мувофиқ маҳаллий миллий хисоблар тизимини ишлаб чиқишининг назарий ва амалий муаммоларини статистик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш ва уларни ҳал қилиш йўллари юзасидан амалий таклиф ҳамда тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилди ва ҳал этилди:

- республикада ҳалқаро ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурига таянган ҳолда миллий хисоблар тизимининг ўналишлари, босқичлари ва истиқболларини статистик жиҳатдан асослаш;
- миллий хисоблар тизимини маҳаллий шароитларга уйғунлаштиришнинг илмий, назарий ва услугубий асосларини тадқиқ этиш;
- ҳалқ ҳўжалиги баланси тизими билан миллий хисоблар тизими орасидаги асосий фарқлар ва умумий боғланишларни статистик ўрганиш ва таснифий белгиларни яратиш;
- “миллий хисоблар тизими” тушунчасига маҳаллий, хорижий олимлар ва мутахассисларнинг ёндашувларини қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- миллий хисоблар тизими коидалари асосида миллий иктиносидётининг алоҳида институционал секторлари учун ишлаб чиқиладиган асосий счетларининг назарий, услугубий ва амалий томонларини статистик таҳлил этиш;
- ривожланган мамлакатларнинг миллий хисоблар тизимини кўллаш бўйича илфор тажрибаларини ўрганиш ҳамда республика статистикасига татбиқ этиш ўналишларини белгилаш;
- миллий хисоблар тизими коидалари асосида регионал даражадаги макроинтисодий кўрсаткичларни хисоблаш усусларини такомиллаштириш;

- "хуфёна иқтисодиёт" ҳажмини миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосидаги статистик ҳисоблаш йўллари ва усулларини аниглаш;
- миллий ҳисоблар тизимининг маҳаллий ахборот базасини ҳалқаро андозаларга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида маҳаллий макроиқтисодий кўрсаткичларни статистик моделлаштириш бўйича илмий-назарий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида республикада ҳалқаро андозаларга мос келадиган, маҳаллий шароитларга уйғунлаштирилган миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишининг статистик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий, услубий ва амалий таклифлар асослаб берилган. Олиб борилган тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

- бозор иқтисодиётининг статистик модели сифатидаги миллий ҳисоблар тизимининг шаклланishi босқичлари, йўналишлари ва истикболларини ўрганиш асосида статистик услубиятни маҳаллий шароитлар учун такомиллаштириш ҳамда ҳалқаро статистика қоидаларига уйғунлаштириш шунингдек, маҳаллий статистик ахборотлар таъминотини мукамаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асослаб берилган;
- “миллий ҳисоблар тизими” тушунчасига хорижий, маҳаллий олимлар ва мутахассислар томонидан берилгак таърифлар киёсий ўрганилган ва таҳлил қилинган. Пировардида муаллиф томонидан миллий ҳисоблар тизимининг учала функциясини (макроиқтисодий таҳлил, аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш ва макроиқтисодий башоратлаш) қамраб оладиган илмий таъриф ишлаб чиқилган;
- ҳалқ хўжалиги балансига нисбатан афзал бўлган МХТга ўтиш йўллари асосланиб, иккала тизим орасидаги асосий фарқланишлардан бирини ифодаловчи хизмат кўрсатиш статистикасини такомиллаштириш мақсадида кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш услуби таклиф этилган;
- миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида статистик ҳисоблаш услубияти такомиллаштирилган. Бунда ҳалқаро статистика тамойиллари талабаридан келиб чиқиб, ижтимоий-иктисодий ҳолатни ифодаловчи статистик ҳисботларга қўшимчалар киритиш, улар таркибини ҳамда топшириш муддатларини ўзгартириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- сифатли статистик ахборотларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган анкета сўровномасининг маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил килишга оид интеграциялашган ёндошув таклиф этилган;
- миллий ҳисоблар тизимининг илғор хорижий тажрибалари умумлаштирилиб, улардан республикада маҳаллий миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишида фойдаланиши йўналишлари асослаб берилган. Жумладан, Франциянинг кенайтирилган миллий ҳисоблар тизими ҳамда МДҲ давлатларининг мазкур соҳадаги тўплаган тажрибаларини ўзлаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилган;
- миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида республикадаги уй

хўжаликларининг амалий фаолияти чуқур илмий таҳлил этилиб, бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида кўп босқичли танлаш усулидан фойдаланишнинг самаралилиги асослаб берилган;

– халқаро статистикадаги хуфёна иқтисодиёт ҳажмини ҳисоблаш усувлари (макро, микро, яширин ўзгарувчилар, товар оқимлари ва бошқалар), унга таъсир этувчи асосий омил(ижтимоий, иқтисодий, хукукий)ларнинг таҳлилига кўра республикадаги хуфёна иқтисодиёт ҳажмини макроиқтисодий кўрсаткичларда акс эттириш, камайтириш йўллари ва унинг статистик ҳисоботини юритиш бўйича илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқилган;

– халқаро меъёрларга мувофиқ, республика маълумотларини халқаро таққослаш ва баҳолаш бўйича илмий-назарий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Бунда миллий ҳисоблар тизими қоидаларига биноан Ўзбекистон Республикаси билан МДҲ давлатларининг макроиқтисодий кўрсаткичлари таққосланиб, илмий хулосалар чиқарилган;

– миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида республиканинг ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда якуний фойдаланиш усувларида комплекс ҳисоблаш йўллари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

– миллий ҳисоблар тизими тамойиллари асосида миллий иқтисодиёт ва институционал секторлар бўйича асосий ички счётлар (ишлаб чиқариш, даромадларнинг ҳосил бўлиши, даромадларнинг тақсимланиши, сармоя билан операциялар)даги айrim кўрсаткичларнинг асосий манбалари аниклаб берилган. Шунингдек, миллий ҳисоблар тизими счетларининг комплекс таҳлили амалга оширилиб, унда ҳар бир счетнинг асосий йўналишлари бўйича илмий-услубий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган;

– халқаро андозаларга асосланган макроиқтисодий кўрсаткичлар(ялпи ички маҳсулот, ялпи кўшилган қиймат, якуний истеъмол ва бошқалар)ни илмий башоратлашнинг “статистик башоратлаш тамойиллари” таклиф этилган. Шу асосда статистик моделлаштириш амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида маҳаллий миллий ҳисоблар тизимидағи асосий счетларнинг статистик ахборотлар базасини ҳамда ундаги макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг статистик усувларини тақомиллаштириш юзасидан берилган амалий таклифлар ва тавсиялар республиканинг хорижий давлатлар билан амалга ошириладиган ҳалқаро статистик ҳисоб-китобларига онд муаммоларини ҳал қилишга имкон беради. Асосий таклифлардан Давлат Статистика кўмитаси, вилоят статистика бошқармалари, туман статистика бўлимлари мутахассисларининг ўз фаолиятларида фойдаланишлари ахборотларнинг ишончлилиги, тўлиқлилик даражаси ва фойдаланувчиларнинг талабларига мос келишини таъминлайди, ҳамда статистик таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Шунинг билан бирга тадқиқот натижаларидан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўкув юртларида “Миллий ҳисоблар тизими”, “Макро-микроиқтисодий статистика” фанларини ўқитишида илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Миллий ҳисоблар тизимининг тамойиллари асосида макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, регионал даражаларда миллий ҳисоблар счётларини ишлаб чиқиш бўйича берилган амалий таклиф ва илмий-услубий тавсиялар Самарқанд (№1279- 25.07.02), Андижон (№63-01-02-243-28.09.02), Наманган (№01-115 -25.03.03), Жиззах (№65-01-52 -20.08.02), Фаргона (№23-2-12.01.05), Хоразм (№7-4-29-20.01.06) вилояtlари статистик бошқармаларининг амалий иш фолиятида маҳаллий статистика маълумотларини халқаро тамойилларга ўтказиши жараёнида кўлланилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси қошибидаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлар марказида “Статистика соҳасида давлат сиёсати”, “Замонавий статистиканинг назарий ва амалий асослари” курсларини (№06-06 -16.02.06) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг иктиносидий йўналишида таҳсил олаётган талабаларига “Миллий ҳисоблар тизими” курси(№60-1031-18.07.02)ни ўқитишида Тошкент давлат иктиносидёт университетида кўлланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот иши Тошкент давлат иктиносидёт университети Муаммоли мувофиқлаштирувчи кенгаси, Тошкент давлат техника университети, Андижон мухандислик-иктиносидёт институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат ва жамият курилиши академиясининг илмий ва амалий семинарларида маъруза қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, илмий ишнинг асосий хулоса ва натижалари “Миллий иктиносидёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга татбиқ этиши” (Тошкент, 2004 йил, ноябрь), “Ўзбекистон иктиносидётини эркинлаштириш” (Тошкент, 2002 йил, октябрь), “Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалийтга жорий этиш муаммолари” (Тошкент, 2002 йил, март), “Бозор муносабатлари шароитида молия тизими ривожланишининг муқобил йўналишлари” (Москва, 2000 йил, декабрь), “Ўзбекистон Республикасини жаҳон иктиносидётига интеграциялаш” (Тошкент, 2000 йил, декабрь), “Ўзбекистон Республикаси иктиносидий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари” (Тошкент, 2000 йил, декабрь) номли халқаро ва республика анжуманларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 5 январдаги 5f –сонли фармойишига мувофиқ вилоят ҳокими мувонилари ва туман ҳокимлари учун ташкил этилган семинар тренингда “Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида иктиносидий исложотларнинг устувор йўналишлари” мавзусида маъруза қилинган.

Натижаларниң зълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни ва натижалари 30 босма табоққа якин иккита монография, 50дан ортик илмий мақола ва тезисларда акс этган.

Диссертациянинг тузилиши. Кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмидаги мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-услубий асослари, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий

килинниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилингандиги ҳамда ишнинг тузилиши баён этилган.

Биринчи боб—“Миллий ҳисоблар тизимининг умумназарий асослари” деб номланиб, унда миллий ҳисобларнинг ривожланиш босқичлари, ҳалқаро андозалари, ҳалқ ҳўжалиги баланси тизимидан миллий ҳисоблар тизимига ўтишининг услугбий жиҳатлари асослаб берилган.

Иккинчи боб—“Ўзбекистон Республикаси миллий статистикасига ҳалқаро андозаларга асосланган миллий ҳисоблар тизимини жорий этиши муаммолари” га багишланниб, бу бобда ривожланган мамлакатлар амалиётига миллий ҳисоблар тизимининг жорий қилиниши ва уларнинг тажрибаларидан республикада миллий ҳисобларни ишлаб чикишда фойдаланиш йўналишлари, миллий статистика услугбиятининг ҳалқаро тамоийллардан келиб чикиб кайта ташкил этиш, маҳаллий статистик ахборотлар базасини МХТ талаблари асосида ишлаб чикиш муаммолари илмий тадқиқ этилган.

Учинчи боб—“МХТ коидалари асосида маҳаллий статистик услугбиятни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланиб, унда макроиқтисодий кўрсаткичларни статистик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, миллий иқтисодиёт ва унинг институционал секторлари учун тузиладиган МХТ асосий счётларини статистик таҳлил қилиш масалалари ўрганилган ҳамда илмий хуносалар чиқарилган.

Туртинчи боб—“МХТни уй ҳўжалиги секторида бошлангич статистик ахборотни шакллантириш муаммолари” га багишланган бўлиб, унда уй ҳўжалигини ижтимоий, иқтисодий ва статистик томондан тавсифлаш, унинг доирасида якка тартибдаги тадбиркорлик статистикасини ташкил этиш, хуфёна иқтисодиёт хажмини статистик усуллар ёрдамида аниқлаш масалалари ёритилган.

Бешинчи боб—“Ўзбекистон миллий иқтисодиётини МХТ кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш ва статистик моделлаштириш” га қаратилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида кўлланилаётган макроиқтисодий кўрсаткичларни Мустакил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари амалиётидаги тегишли кўрсаткичлар билан ҳалқаро таққослаш ҳамда уларни статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш, МХТ коидаларига асосланиб республика макроиқтисодий кўрсаткичларини статистик моделлаштириш амалга оширилган.

Хулоса кисмида—олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чикиб, бир катор илмий-назарий тавсиялар ва амалий таклифлар берилган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Миллий хисоблар тизими–бозор иқтисодиёти модели бўлиб, иқтисодиётни тартибга солиш ва ривожлантиришга оид иқтисодий сиёсатни ишлаб чикишнинг энг мухим воситаси ҳисобланади.

МХТ умумиктисодиёт ҳолати тўғрисида, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари ҳар хил соҳаларининг ривожланиш даражаси ва динамикаси тўғрисида ҳамда давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳакида умумий тасаввур беради. Миллий хисобларда келтирилган умумий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад кўрсаткичларининг хусусияти ишлаб чиқариш самарадорлигини умумлаштирувчи, якуний истеъмол кўрсаткичи эса ахолининг турмуш даражасини ифодаловчи ўлчов бирлиги сифатида характеристерлайди.

МХТ мамлакат иқтисодиётининг барча томонларини қамраб олган тизим бўлиб, унда иқтисодиётнинг ривожланиши босқичма-босқич, баланс-кўринишида ифодалаб берилади ҳамда миллий иқтисодиёт макроиқтисодий кўрсаткичларини бошқа мамлакатлар билан таққослаб кўришга имконият яратади.

Миллий хисоблар тизими макростатистика модели сифатида бозор иқтисодиётига, иқтисодий жараёнларнинг барча субъектлари (иштирокчилари) ўртасидаги товар-пул муносабатлари конуниятларини биляшга йўчалтирилган.

Муаллиф фикрича, МХТ бугунги кунда республика учун зарур бўлган қатор вазифаларни ечишга имкон беради:

- даставвал, давлатнинг иқтисодий сиёсати учун зарур бўлган макроиқтисодий маълумотлар тизими ишлаб чиқилади;
- иккинчидан, ҳалқаро иқтисодий ташкилотларга статистик маълумотларни етказиш муаммосини ҳал этишга имкон беради;
- учинчидан, статистика ва иқтисод ишларининг умумий даражасини юксалтиради, валютани харид қилиш қобилиятини хисоблаб чиқиш асосида БМТ доирасида ўтказилаётган ҳалқаро ялпи ички маҳсулотни таққослашда Ўзбекистон Республикаси иштирок этишини осонлаштиради ва ҳ.қ.лар.

МХТ барча мамлакатлар миқёсида миллий хисобларнинг янги концептуал тизими, ХХБ тизимидан тубдан фарқ қиласидиган миллий иқтисодиётни янги макростатистик моделидир. МХТ бозор иқтисодиётига ҳос миллий хисоб бўлиб, макроиқтисодий даражада ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизимини ифодалашга, счёtlар тўпламини ва баланс жадвалларини тузишга (тармоқларо балансни), иқтисодий фаолият натижаларини характерловчи, миллатнинг умумиктисодий кудратини шакллантирувчи ва жамият манбаатларида бир қатор амалий масалаларни ҳал қилиш учун самара келтирувчи тизимдир. МХТ хисобот даврида жами даромадлар, кўшилган қиймат, ялла ишлаб чиқтишини доиравчӣ айланишини рақамларда ифодаловчи макроиқтисодий бухгалтерия тизими ҳам хисобланади. МХТ кўрсаткичларини хисоблашнинг макроиқтисодий характеристи турили умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиб, жамлама кўрсаткичлар тизимлари ёрдамида иқтисодий (ижтимоий) жараёнларни тўла тахлил килишга асосланади.

Тадқиқотда миллий ҳисоблар тизимининг асосий ҳусусиятлари айнан барча истеъмолчилар, жумладан давлат бошқарув органларининг ҳаққоний статистик ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, динамикаси ва келгусидаги иқтисодий ривожланиш стратегияларини белгилашда муҳим манба эканлиги ҳисобга олинниб, бошқарув тизимини статистик ахборотларга бўлган талаби ҳам баҳоланганд (1-расм).



1-расм. Статистик ахборотлар ясасида бошқарув қарорларини юбул килиш жараёни
Манба: Муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-расмдаги маълумотлардан кўринадики, статистик ахборотларнинг иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишидаги, бошқарув қарорларини белгилашдаги ўрни шунчалик аҳамиятлики, бу ҳолат тайёрланаётган ҳар бир статистик ахборотни ишончлилиги, ҳаққонийлиги, қолаверса тайёрлаётган мутахассисларнинг тажрибалари ва малакаларининг юксак бўлишини такозо этади. Бу ўз навбатида, кўп жиҳатдан миллий статистиканинг ҳалқаро статистиканинг асосий қоидаларини ўзлаштириб олишини, миллий ҳисоблар тизими тамойилларига асосланиб, сифатли статистик ахборотлар тайёрлашни муҳим вазифага айлантириди.

Миллий ҳисобларнинг афзалликларини ҳисобга олиб, “Ўзбекистонда ҳалқаро амалиётда юбул килинган ҳисоб ва статистика үтиш давлат дастури” (1994 й.) ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги кунда боскичма-боскич амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастурга Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси раҳбарлик қилиб, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда илмий муассасалар билан биргаликда бир қатор аниқ масалаларни кўзлаган ҳолда республика

статистикасини ислоҳ қилишга киришдилар. Жумладан, миллий хисобларнинг таснифлаш ва гурухлаш ишлари амалга оширилди; миллий хисобларни макроиктисодий кўрсаткичлари жорий этилди; мамлакат ички ва ташки иктисадий алокаларини ифодаловчи баъзи счетлар тизими ишлаб чиқилмоқда; миллий хисоблар услубияти асосида тармоқлараро балансни ишлаб чикиш, тўлов балансини тузиш ва бошқа катор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бироқ, муаллиф фикрича, Ўзбекистон Республикаси статистикасини ислоҳ қилишда бир катор методологик муаммолар ечилмаган. Жумладан:

- мамлакат бўйича молия счётини ишлаб чикиш ва унинг ахборотлар базасини статистик баҳолаш амалга оширилмаган;

- республикада бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилмоқда. Лекин унинг кўрсаткичлари МХТ кўрсаткичлари билан уйғунлашмаган. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби “хисоб режаси” билан МХТ кўрсаткичларини уйғунлаштириш максаддага мувофик;

- ҳозиргача республикадаги ЯИМ ҳажмида хуфёна иктисадиётнинг саломги номаълумлигича қолмоқда. Ваҳоланки, 1993 йилда қабул килинган БМТнинг МХТ-93 халқаро андозасида ЯИМ ҳажмида хуфёна иктисадиёт саломгини ҳисобга олиш тавсия қилинган;

- республикада иктисадиёт тармоқларининг таснифланиши ҳамон эскича бўлиб, халқаро тармоқлар таснифига мос келмайди. Шунинг учун уларни жаҳон таснифларига мослаштириши керак;

- маҳаллий миллий хисоблар тизимининг айрим счёtlари кўрсаткичлари аникликлар киритишини талаб этмоқда ва ҳ.к.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “миллий хисоблар тизими” тушунчасига хорижий, маҳаллий олимлар ва мутахассислар томонидан шу даврга қадар 500дан ортиқ таърифлар берилган. Тадқиқотда “миллий хисоблар тизими” тушунчасига берилган таърифлар З гурухга: а) хорижий олимлар ва мутахассислар таърифлари; б) маҳаллий олимлар ва мутахассислар таърифлари; в) халқаро андозаларда берилган таърифларга ажратиб ўрганилган.

“Миллий хисоблар тизими” тушунчасига хорижлик олимлардан Э.Хансен.⁸, Ж.Маршалл.⁹, Х.Ё.Курабаяси¹⁰, А.Вайнштейн¹¹, Б.А.Исаев¹², В.К.Зайцев¹³, А.В. Сиденко¹⁴, Г.Д.Кулагина¹⁵ ва бошқалар ўзларининг илмий ишлари ва асарларида турли шакл ва мазмунда таърифлар беришган. Ушбу таърифларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уларда миллий

⁸ Хансен Э. Экономические циклы и национальной доход. - М.: “Иностранный литература”, 1959., с. 18

⁹ Маршалл Ж. Новые элементы французской системы национальных счётов.- М.: “Статистика”,1967., с. 27

¹⁰ Курабаяси Х.Ё. Система национальных счетов и государственное программирование в Японии. - М.: “Наука”, 1984., с. 49.

¹¹ Статистика народного богатства, народного дохода и национальные счёта. Отв. ред. Вайнштейн Л.-М.. “Наука”, 1967., с. 5.

¹² Исаев Б.А. Интегрированные балансовые системы в анализа планирования экономики. -М.: “Статистика”,1969., с. 95.

¹³ Зайцев В.К. Система национальных счётов и государственное программирование в Японии. - М.: “Наука”, 1984., с. 4.

¹⁴ Сиденко А.В., Матвеева В.М. Международная статистика. Учебник.- М.: “Дело и сервис”, 2000., с. 53.

¹⁵ Кулагина Г.Д. Национальное счётоводство: Учебник.- М.: “Финансы и статистика”,1997. с. 9.

хисоблар тизимининг ички моҳиятини очиб берувчи бир катор ёндашишлар мавжуд эканлиги аниқланган. Масалан, миллий хисоблар тизимининг бухгалтерия балансидаги иккىёклама ёзувга асосланган баланс тизими сифатида тушунилиши, унинг иқтисодиётни тўлиқлигича ўрганувчи ва баҳоловчи макроиктисодий модел эканлиги ва ҳ.к. Бирок, муаллиф фикрича, хорижлик олимларнинг таърифларида МХТнинг дастлабки шаклланиш жараёнлари эътироф этилиб, уларнинг миллий иқтисодиёт шароитидаги алоҳида тутган ўрнига етарлича эътибор қаратилмаган.

Ўз ўрнида “Миллий хисоблар тизими” тушунчасига маҳаллий олимларимиз ҳам турлича таъриф беришган. Жумладан, проф., Н.М.Соатов “МХТ-бу мамлакат иқтисодиётини таърифлаш ва текширишга хизмат килувчи баланс тизимидир¹⁶” деб қайд қиласа, Р.А.Алимов “МХТни иқтисодий фаолиятни ўрганувчи баланс тизими сифатида ифодалаб, мамлакат макроиктисодий ривожланиш ҳолатини акс эттирувчи жамлама- статистик модель¹⁷”, –дека уни янада тўлдиради. Ё.А.Абдуллаев “МХТ-миллатларо хисобот ва статистика тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ҳозирги замон иқтисодий ривожланишини, унинг қонунийлари ва йўналишларини тавсифлашга асосланган тизим¹⁸”, –дека, А.А. Набиҳўжаев “МХТ деганда иқтисодий фаолиятни ҳар тамонлама таҳлил килиш ва ифодалашга хизмат қиласидан баланс тизимлари тушунилади. Бундай тизим миллий иқтисодиёт ҳолати тўғрисида аник тасаввур бериб, барча ҳўжалик бўғинларининг ўзаро алокаларини ифодаловчи шаклини тузишга имкон беради”¹⁹, –дека таъриф беришга ҳаракат қилганлар. А.Абдугафаров ва бошқалар “Миллий хисоблар тизими макродаражада иқтисодий жараёнларнинг умумий натижалари ва кирраларини ифодалаш ва таҳлил қилишда ишлатиладиган, ўзаро боғланган кўрсаткичлар ва таснифлар тизимидир”²⁰ деб, масалага бошқачарок ёндашган. Б.М.Махмудов “Миллий хисоблар тизими–яхлит жамланган иқтисодий статистик кўрсаткичлар тўплами бўлиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, натижада ялпи миллий даромадни яратиш, уларни таксимлаш ва истеъмол жараёнларини ўзида мужассамлаштирган хисобот ва статистика тизимидир²¹”, – деб кенгроқ ва тўлароқ таъриф беради.

Муаллиф фикрича, олимларнинг “Миллий хисоблар тизими” тушунчасига берган таърифларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос келиши, миллий хисобларнинг иқтисодий мазмунини очиб беришга ҳаракат қилганлигидан далолат бериб турибди. Барча берилган таърифлар ўзига хос устуворликка эга, албатта. Шу билан бирга маълум камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, проф. Ё.Абдуллаев МХТ ни бугунги кундаги иқтисодий тизимни статистик баҳоловчи омил сифатида тушуниб, унинг келгусидаги ҳолатни макроиктисодий

¹⁶ Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. Т.: “Абу Али Ибн Сино”, 2003., 660 б.

¹⁷ Алимов Р.А. Финансовые операции в системе национальных счётов. //Ж.Рынок, деньги и кредит, 1997, № 4, с. 45-46.

¹⁸ Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. Ўкув кўлланма. Т.: “Мехнат”, 1998. 23 б.

¹⁹ Набиҳўжаев А.А. Миллий хисоблар тизмаси нима ? // Ж. “Хаёт ва иқтисод”, 1993 № 6, 14 -15 б.

²⁰ Абдугафаров А.,Зокирова М., Корабеев А. Миллий хисоблар тизими. Ўкув кўлланма. Т.: “Молия”, 2002, 5 б.

²¹ Махмудов Б.М. Миллий хисобчилик асослари. Ўкув кўлланма. Т.: “Академия”, 2003, 21 б.

башоратлаш воситаси ҳамда иқтисодий сиёсатни ишлаб чикувчи тизим эканлигини ҳисобга олмаган. А.Набиҳўжаевнинг миллый ҳисоблар тизимиға берган таърифида унинг факат битта функцияси (макроиктисодий таҳлил) эътиборга олиб ёндашилган, қолган функциялари эса ҳисобга олинмаган ва ҳ.к.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тадқиқотда муаллиф “миллый ҳисоблар тизими” тушунчасига куйидагича таъриф бериш лозимлигини таъкидләди: “Миллый ҳисоблар тизими”—мамлакатнинг макроиктисодий даражадаги яратилаётган маҳсулот ва даромадларини ҳисоблаш услубияти бўлиб, уларни ҳосил бўлиши, тузилиши, тақсимланиши ҳамда фойдаланиш жараёнларини ифодалайдиган жамлама иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тизими ҳисобланади. Бу тизим давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим аҳборот базаси ҳисобланаб, республика иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг барча жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва башоратлашга хизмат қиласи”. Бир сўз билан айтганда, юқоридаги таърифида унинг учта функцияси (макроиктисодий таҳлил, ижтимоий ҳаёт, макроиктисодий башоратлаш) бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, дея эътироф этилган ҳолда таърифланган.

Бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, XXБ макроиктисодий модель сифатида марказлашган бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлиқ усулининг асосий воситаси ҳисобланган. Ўша даврдаги иқтисодий адабиётларда МХГа танқидий нуктаи-назардан қаралган. Масалан, В.Мартынов “Иқтисодий статистик жамлама моделлар факат бозор муносабатлари ҳукмрон бўлган иқтисодиёт учун кўлланилиши мумкин. Ҳатто МХТнинг нисбатан такомиллашган шакли ҳам давлатнинг ҳўжалик фаолияти ҳақидаги оператив аҳборот оқимларини самарали ишлаб чиқа олмайди. Халқ ҳўжалигининг режали бошқарилиши учун XXБ тузилиши шарт” деб фикр билдириган²². Бундай ёндашувнинг сабаби шунда бўлганки, миллый ҳисобчиликнинг асосий услугбий тамоиллари марксча-ленинча ишлаб чиқариш назарияси билан мос келмаган ва муҳими МХТ айнан бозор иқтисодиётининг таҳлилига мослашган эди.

Бозор иқтисодиётига ўтилгандан сўнг барча МДҲ давлатлари, жумладан Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқаришнинг ҳалқаро андозаларига асосланган миллый ҳисоблар тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, тадқиқот ишида миллый ҳисоблар тизими билан ҳалқ ҳўжалиги баланси тизими орасидаги асосий фарқланишлар ва умумий боғланишлар ҳам кенг ўрганилган. Тадқиқотда кўплаб иқтисодий адабиётлар ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилиниб, ҳалқ ҳўжалиги баланси (XXБ) тизими ва миллый ҳисоблар тизими орасида услугбий жиҳатдан фарқланишлар мавжудлиги асослаб берилган (1-жадвал).

Шунингдек, тадқиқотда XXБ тизимидан МХТ ўтиш йўллари асослаб берилган. Улардаги кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қафтилган.

²² Рябушкин Б.Т. Система национальных счётов в зарубежной статистике. - М.: Статистика, 1969., с. 104

1-жадвал

**Халқ хўжалиги баланси ва миллий хисоблар тизими орасидаги
услубий фарқланишлар**

XXБ тизими бўйича	МХТ бўйича
XXБ тизими иктисодиётни марказлаштирилган режалаштириш шароитидаги бошқаришга асослаб курилган	МХТ иктисодиётнинг бозор муносабатлари шароитидаги бошқаришга мослаб курилган
XXБ тизимида статистик кузатиш обьекти бу моддий ишлаб чиқаришнинг бта тармоги (саноат, кишлөк хўжалиги, курилиш, транспорт, алоқа, моддий-техника тъминоти) хисобланади	МХТда статистик кузатиш обьекти эса турли хил мулкчилик шаклларига асосланган корхона, хўжалик ва муассаса хисобланади
XXБ тизимида статистик хисобга олишда асосий усул-ёпласига статистик кузатиш (статистик хисобот) усули хисобланади	МХТда статистик хисобга олишда асосий усул-тапланма кузатиш усули хисобланади
XXБ тизимида макроиктисодий кўрсаткичларга ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад кўрсаткичлари киради	МХТда макроиктисодий кўрсаткичларга ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот, ялпи миллий даромад ва бошқа натижалари киради
XXБ тизимида иктисодий фаолият моддий ва номмоддий соҳаларга ажратилиб, фақат моддий ишлаб чиқариш тармокларининг фаолиятини ўз ичига олади	МХТда иктисодий фаолият ҳам моддий ишлаб чиқариш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳалари, шунингдек, куфёна секторни ҳам ўз ичига камраб олади
XXБ тизимида макроиктисодий кўрсаткичларни хисоблаш асосий нархларда амалга оширилади	МХТда макроиктисодий кўрсаткичлар бозор нархларида хисобга олиниади
XXБ тизимида иктисодий фаолият тармок таснифи бўйича ўрганилади	МХТда иктисодий фаолият ҳалқаро тармоклар таснифи ва институционал секторлар бўйича ўрганилади

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, XXБ тизимининг хизмат кўрсатиш соҳаларининг якуний натижаларини ўз ичига олмаслиги миллий иктисодиётни тўлиқлигича баҳоланмаслигига олиб келади.

Тадқиқотда кенг тадқиқ этилганидек, миллий статистикани жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилишда хизмат кўрсатиш соҳаларининг хисоб тизимини ҳам қайта куриш зарур. Чунки XXБ тизими билан МХТ тизими орасидаги асосий фарқланишлар ҳам айнан шу соҳаларни хисобга олиш ва олмаслиқдан келиб чиқади. Шу билан бирга уларнинг ахборотлар базаси ҳам тўла шаклланмаган. Жаҳон давлатлари тажрибасининг кўрсатишича, хизмат кўрсатиш соҳасининг иктисодиётда тутган ўрни юқори бўлиб, унинг салмолги ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг тўртдан уч кисмини ташкил этади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида, жумладан Россияда 57%, Қозогистонда 60 %²³ хиссанни ташкил этган ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 38,3 % га тенг²⁴.

Бугунги кунда республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг статистик хисобот шакллари ҳалқаро андозалар бўйича кўйилган талабларга тўла жавоб бермайди. Шуларни инобатга олиб тадқиқотда пуллик ва бепул хизматлар ҳажмини хисоблаш услуги таклиф этилган. Бунда пуллик хизматлар ҳажми ахолига хизмат кўрсатувчи корхона ва муассасаларнинг ҳаражат элементлари

²³ МДХ Статистика Кўмитаси маълумотлари

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари

бүйича хисобланиши таклиф этилган, яни:

$$Y_{\text{пул. хизмат}} = MX + A + IMX + HXT + \Phi(3) + CC + BX \quad (1)$$

Бу ерда: Y – пул. хизмат – ялпи пуллик хизматлар қиймати; MX – ахолига пуллик хизмат күрсатувчи муассасаларнинг моддий харажатлари; A – асосий воситалар истеъмоли; IMX – ишловчиларнинг меҳнат ҳаки; HXT – номоддий хизматларга тўловлар; $\Phi(3)$ – фойда ёки зарар колдиги; CC – солиқлар; BX – хизмат күрсатиш характеридаги бошка харажатлар.

Бепул кўрсатилган хизматлар ҳажмини баҳолаш ҳам мураккаб масала хисобланади. Муаллифнинг фикрича, бепул кўрсатилган хизмат (халқ таълими, фан, соғлиқни саклаш)ларнинг умумий ҳажм кўрсаткичларини хисоблаш давлат, корхона ва муассасаларнинг бу мақсаддаги харажатлари йигиндиси сифатида вужудга келади ва у қўйидаги формула орқали ифодаланган:

$$Y_{\text{бепул. хизмат}} = MX + A + IMX + HXT + BX \quad (2)$$

Пуллик ва бепул хизматлар истеъмолини умумий ҳажми ахолининг пуллик ва бепул хизматлар истеъмоли ҳажмининг йигиндиси ёрдамида аниқланади.

Муаллиф фикрича, хизмат кўрсатилишининг статистик хисобини юритишида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг даражаси билан чегараланиб қолмаслик керак. Чунки халқаро статистикада уларнинг динамикасини ўрганиш ҳам мухим аҳамиятга молик. Тадқиқотда кўрсатилган пуллик хизматларнинг умумий физик ҳажм агрегат индекси кўринишида бўлиши тавсия этилган:

$$I_{\Phi,X} = \frac{\sum y_1 P_0}{\sum y_0 P_0} \quad (3)$$

Бу ерда: P_0 – хизматларни таққослама нархи (таърифлар); y_1 ва y_0 – хисобот ва базис даврлардаги хизматлар ҳажми.

Ахоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми индекси қўйидагича хисобланади:

$$I_{\text{ахол. индекс}} = I_{\Phi, \text{даражаси}} : I_1 = \frac{\sum y_1 P_0}{\sum y_0 P_0} : \frac{\sum S_1}{\sum S_0} \quad (4)$$

Бу ерда: S_1 ва S_0 – хисобот ва базис даврлардаги ахолининг ўртача йиллик сони (киши).

Хизмат кўрсатиш соҳасида моддий неъмат ва кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмини характерловчи ушбу кўрсаткич қўйидаги кўринишида бўлиши тавсия этилган:

$$I_{\text{хизмат. индекс}} = \frac{\sum q_1 P_0 + \sum y_1 P_0}{\sum q_0 P_0 + \sum y_0 P_0} \quad (5)$$

Бу ерда: $q_0 P_0$ ва $q_0 P_0$ – хисобот ва базис даврларда моддий неъматларнинг қиймати (таққослама нархда); $y_1 P_0$ ва $y_0 P_0$ – шу даврларда пуллик ва бепул кўрсатилган хизматлар қиймати (таққослама нархда);

Тадқиқотда ушбу кўрсаткични ахоли жон бошига хисоблаш ҳам тавсия этилган, яни:

$$I_{\text{ахол. индекс}} = \frac{\sum q_1 P_0 + \sum y_1 P_0}{\sum S_1} : \frac{\sum q_0 P_0 + \sum y_0 P_0}{\sum S_0} \quad (6)$$

Тадқикотда ХХБ тизими билан МХТни уйгунлаштириш максадида ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун "үтиш қалити" усули ишлаб чиқилган. Ушбу усул ХХБ ва МХТ асосий кўрсаткичларининг ўзаро боғланишини ифодалайди ҳамда МХТда энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири-миллий даромад кўрсаткичи мисолида кўриб чиқилиб, илмий хуласалар чиқарилган.

Муаллиф фикрича, республикадаги миллий статистика хизмати ҳалқаро статистика тамойилларига тўла жавоб бермаётганлиги сабабли ҳам ҳали кўпгина муҳим масалалар ўзининг ечимини топмаган. Бу ҳолат мамлакатдаги тузилмавий янгиланишга фаол таъсир кўрсата олмайди. Натижада, макро-мезомикро даражалардаги муҳим ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш юзаки амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги шароитда ҳалқаро талаблар асосида статистик маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш ва шу асосда статистикага бўлган ишончни оқлаш муҳим масала эканлигидан келиб чиқиб, илмий ишда бир қанча йўналишлар тадқиқ этилган. Булар:

биринчидан, маълумотларни ишончлилиги ва аниқлигини таъминлаш учун статистик услубиятни ва уни ҳисоблашни такомиллаштириш. Бу мамлакатни ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий ривожланиш даражалари билан ҳалқаро таққослаш ва объектив баҳолаш учун имконият яратади;

иккинчидан, МХТ тамойилларидан келиб чиқиб, бугун республика миллий статистикасида ошкораликни кенгайтириш, бунинг заминида барча ҳўжаликлар ва ижтимоий муассасалар, олий ўкув юрглари, илмий текшириш институтлари учун статистик маълумотлар очиқ бўлиши шартлиги асосланган;

учинчидан, статистика-мамлакат иктисодиётидаги ўзгарувчанликни тўғри ифодалashi, жумладан, бозор иктисодиётини эркинлаштириш шароитида иктисодий ўсиш динамикасини аниқлашда сифат ўзгаришлари ва тузилмавий силжишлар, минтақалараро иктисодий алоқалар ва бошқалардаги муҳим ўзгаришларни ҳақконий баҳолашдан иборат.

Бугунги кунда ахборотлар сифатини ошириш муҳим масала ҳисобланиб, унга "Давлат Статистикаси тўғрисида"ги конунда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қонунда давлат статистикасининг 10та асосий тамойили: ишончлилик, холислик, беғаразлик, долзарблик, қиёсийлик ва баркарорлик, кулагилик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик, статистика ҳисоботини йигиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашишни истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратиш каби ҳолатлари зикр этилган²⁵. Лекин қонунда юқоридаги тамойилларнинг методологик моҳияти, ички мазмунни ва шакли тўғрисида аниқ тавсифлар ишлаб чиқилмаган.

Муаллиф фикрича, статистик ахборотларнинг аспектлари ҳамда конунда ишлаб чиқилган тамойилларига маълум изоҳлашлар киритиш талаб этилади. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, тадқикотда статистик ахборотларни сифат аспектлари тавсифи таклиф этилган (2-жадвал).

²⁵ Ўзбекистон Республикасини "Давлат Статистикаси тўғрисида" ги конуни. 2002 йил 12 декабрь №441- II // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлар тўплами, 2002, №24, 26-31 б.

2-жадвал

Таклиф қилинаётган статистик ахборотларни сифат аспектлари тавсифи

Сифат аспектлари	Сифат аспектлари тавсифи
А	Б
Статистик фаолиятнинг түликлиги	<p>Статистик фаолиятнинг асосланиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий методологияга асослангандиги; - БМТ статистика комиссияси тамойилларига (масалан, статистик фаолиятни объективлигига) асослангандиги; - кузатувларни режалаштириш ва амалга оширишда этик нормаларга амал килиш
Статистик кўрсаткичларни баҳолашнинг аниқлиги	Барча танловдаги ўртачалаштирилаётган кўрсаткичлар кийматлари билан хисобланадиган кўрсаткичлар кийматлари орасидаги тафовут аникланади ва танловнинг тасодифий хатосига тавсиф берилади
Хисобланадиган кўрсаткичлар кийматнинг ишончлилиги	<p>1. Статистик кузатиш натижаларини адекватлик дарражасини акс эттириш.</p> <p>2. Хисоб-китоб хатоликларининг асосий сабаблари куйидагилар билан боғлик:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлов мезони; - респондентларни жавоб бермаслик холати; - тақдим этилаётган ахборотларнинг мавхумлиги ва мураккаблиги; - ахборотларни статистик қайта ишлаш; - бош тўплами тўлиқ камраб олинмагандиги
Фойдаланувчилар томонидан статистик ахборотларнинг талаб килиниши	<p>1. Қанча миқдорда статистик ахборотларнинг эҳтиёж кўлами ва уларни статистик кузатиш максадига хизмат килишининг акс эттирилиши;</p> <p>2. Фойдаланувчига статистик маълумотларнинг ишончлилиги;</p> <p>3. Месъерий-хуқуқий базаларга статистик кузатишга кўйилган максад ва вазифаларнинг мос келиши</p>
Тақдим этилаётган статистик ахборотларнинг ўзига хослиги	<p>1. Хисобот даврининг аниқ бир вақтига (оралик даврга) хам фойдаланувчи учун кулагай бўлган статистик маълумотларни чоп этиш;</p> <p>2. Белгиланган аниқ вақт чегарасида (белгиланган санада) статистик ахборотларни тақдим этишининг фойдаланувчи талабига мос келиши</p>
Статистик ахборотларни очик-ойдинлиги	<p>Ахборотларни расмий тарқатишига (эълон қилишга) тайёргарлик холатининг куйидаги оминаларни хисобга олган ҳолда акс эттириш зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кулагай статистик шакллар. Ундаги маълумотлар фойдаланувчи учун очик бўлишилиги; - услубий коидаларга мувофиқ тайёрланиши; - фойдаланувчиларнинг ахборотлар билан таъминланиши ва ўзларини кизиктирган маълумотларнинг талабга монандлиги
Статистик ахборотларни интерпретация килиш	<p>1. Реал ижтимоий-иктисодий воқеаликни ифодаловчи объектив статистик маълумотларни фойдаланувчига қулайлик имкониятининг яратилиши.</p> <p>2. Тажхил учун статистик ахборотлар тайёрлашни соддалаштириш.</p> <p>3. Чоп қилинган ишларда статистик атамалардан фойдаланишда, шу жумладан кузатилаётган тўпламнинг белгилари, кўрсаткичлари ва чегарасини аниқлашда қатъййликни назарда тутиш</p>
Статистик ахборотларнинг мос келишилиги	<p>1. Ахборотларнинг ўзаро қиёсийлиги.</p> <p>2. Хронологик кетма-кетликка зид бўлмаслиги.</p> <p>3. Статистик кузатиш натижалари орасидаги мантикий ўзаро алоқадорлик ва ахборотларнинг тўликлилик дај ажаси</p>

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ижтимоий-иктисодий ҳолатни ифодаловчи статистик маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш

ва тарқатишида таклиф қилинаётган сифат аспектларини албатта инобатта олишлари керак. Чунки бу соҳадаги кузатувларга (айниқса, вилоят статистика бошқармалари, туман статистика бўлимлари) кўра, баъзи ҳолларда статистик маълумотларни респондентлардан олиш, йигиш, қайта ишлаш ва юқори ташкилотларга узатишида хукукий меъёрий тавсияларга амал қилинмаётганлиги, қонундан четга чикиш ҳоллари юз берадаётганлиги маълум бўлмоқда.


Муаллиф тадқиқотни амалга ошириш жараёнида бугунги статистика соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш, миллий статистикани ҳалқаро статистиканинг тамойилларига уйғунлаштириш мақсадида статистика вазифалари ва истиқболларини ўзида мужассамлаштирган анкета сўровномасини ишлаб чиқиб, вилоят Статистика бошқармалари бошликлари, туман статистика бўлими бошликлари ва мутахассислари иштирокида кенг доирада тадқиқ этган. Анкета асосида, ҳалқаро андозалардан келиб чиқиб миллий статистика ишини янада яхшилаш, такомиллаштириш юзасидан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари раҳбарлари ҳамда ходимларнинг жавоблари ўрганилди. Жавоблардан кўринадики, уларда маҳаллий статистика ишини жаҳон андозаларига уйғунлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганлиги, жумладан статистик ҳисботларни топшириш ойликдан чоракликка, чоракликдан йилликка ўтказилганлиги, ишлаб чиқариш усулида худудий ялпи ички маҳсулотни ҳисобланәётганлиги, статистик ҳисботларни муддатларига ўзgartиришлар киритилаётганлиги, ўз мавқенини бозор шароитида тутатган ҳисботларни бекор қилинаётганлиги ижобий ҳол сифатида эътироф этилган.

БМТ Статистика комиссияси аъзо бўлган мамлакатларга иқтисодий ва ижтимоий ҳолатни таҳлил қилиш мақсадида макроиктисодий кўрсаткичларни кенг доирада ўрганиб чиқиши талабларини қўяди. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, тадқиқотда миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида Ўзбекистон Республикасининг 1991–2005 йиллардаги макроиктисодий кўрсаткичларининг ривожланиш ҳолати, унга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ва йўналишлар илмий тадқиқ этилган.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи ҳалқаро ва миллий иқтисодий амалиётда иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини ифодаловчи макроиктисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб хизмат қиласди. ЯИМ да ўзаро боғланган ва бир –бирини такозо этадиган товарлар ва хизматлар, даромадлар оқими тақрор ишлаб чиқариш жараёнида босқичма-босқич ифодалаб берилади.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий фаолиятни акс эттириш мақсадида 1992 йилдан бошлаб, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳисобланиб келинмоқда (2-расм).

Маълумотлардан кўринадики, 1996 йилдан бошлаб, миллий иқтисодиёт соҳалари бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Яъни, 1996 йилда 1995 йылга нисбатан реал ЯИМ ҳажми 101,6 %ни ташкил қиласди. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ЯИМнинг қўшимча ўсишини 50 % и саноат, қишилоқ хўжалиги ва қурилиш тармоклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатда иқтисодиётнинг барча тармокларидағи ривожланиш сабабли 2005 йилда ЯИМнинг йиллик иқтисодий ўсиши 7,0 %га етди.




2-расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ўсиш суратларининг ўзгариши
(1991-2005 йй. базис йилга нисбатан %да)²⁶

2005 йил ЯИМ нинг давомий узлуксиз ўсишининг ўнинчи йили бўлиб қайд қилинди. Бунга асосан ялпи ички маҳсулотда саноат (металлургия, кимё ва нефть кимёси саноати, машинасозлик ва металлни кайта ишлаш, озик-овқат саноати), хизмат (савдо, майшӣ хизмат) кўрсатишнинг улушининг жадал суратлар билан ортиб бориши, ҳукуматнинг максадли пул-кредит сиёсатини ўтказиш ҳисобига пулнинг қадрсизланишининг пасайиши, иқтисодиётга хорижий сармоя жалб этиш мухитининг яхшиланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиши, ишлаб чиқариш қувватларининг тез суратлар билан янгиланиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши, саноат экспорт базасининг кенгайиши ҳисобига эришилмоқда.

Тадқиқотда ЯИМнинг ҳаракат босқичлари: ишлаб чиқариш категорияси (иктисодий бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган жами якуний товар ва хизматлар); тақсимлаш категорияси (омилли ва омилли бўлмаган даромадларни жамланиши); фойдаланиш категориясини ўрганиш (якуний истеъмол учун килинадиган харажатлар ва ялпи жамгариш) услубий-жиҳатдан кенг илмий тахлил қилинган.

Жумладан: а) ЯИМ ишлаб чиқариши усулида алоҳида иқтисодиёт тармоқлари ва секторларидаги ялпи қўшилган қийматларнинг умумий йигиндиси сифатида аниқланади. Иқтисодиёт тармоқлари ва секторларидаги ялпи қўшилган қиймат – ялпи ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар билан оралиқ истеъмол орасидаги фарқ сифатида юзага чиқади.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмигаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ишлаб чиқариши


таркибий тузилиши динамикаси (%)²⁷

3-расм маълумотларига кўра, 1996–2005 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМ даги улуши 28,3 %дан 38,3%га кўтарилиди. Ушбу ўсиш молиявий операцияларнинг кенгайиши, савдонинг фаоллашуви, транспорт ва алоқа хизматининг кенгайиши ва бошқа турли хил хизматларнинг кўпайиши билан тавсифланади. Махсулотлар ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги салмоғи 7,9 %дан ортиқка, яъни у 1996 йилда 58,6 %ни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, 50,7%гача пасайди. Бундай пасайишга хизматлар соҳасининг кенгайиши сабаб бўлди. Саноат ишлаб чиқаришининг улуши 2005 йилда 20,7%га тенг бўлиб, 1996 йилдаги даражага нисбатан 6,6 %га ортган. Агар қишлоқ хўжалиги тармогининг ЯИМдаги салмоғи 1996 йилда 28,1 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 24,1 %ни ташкил қилди. Ушбу статистик маълумотлар, хусусан хизмат кўрсатиш соҳаси улуши ўсиб бориши ЯИМ таҳлилида МХТ тамойилларидан фойдаланишнинг аҳамиятлилигини ҳам кўрсатади.

б) ЯИМни тақсимлаш усулида муҳим компонентлар – иш ҳақи ва бошқа кўринишдаги меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, фойда ва иқтисодий бирликларнинг бошқа кўринишдаги даромадлари, ишлаб чиқаришга соф соликлар хисобланади.

в) ЯИМни якуний истеъмол усулида уй хўжаликлари, давлат муассасалари ва уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотларнинг товар ва хизматларга бўлган якуний истеъмол харажатлари йигинидисини, ялпи жамғаришни ҳамда товар ва хизматларнинг соф экспортини ифодалайди.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган



4-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулидаги тузилмаси (жамига нисбатан %да)²⁸

4-расм маълумотларининг мазмунига кўра 1995–2005 йиллар оралигига якуний истеъмол (жумладан уй хўжалиги истеъмоли) улуши пасайиб бориш хусусиятига эга бўлган. Масалан, 1995 йилда якуний истеъмол улуши 72,9 %-ни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, 68,4 %га teng бўлди. Давлат бошқарув органларининг ва хусусий нотижорат ташкилотларининг харажатлари камайганлиги сабабли ялпи жамғариш улуши 24,2%-дан 24,6 %-га ортди. Бу даврда асосий жамгармаларнинг ЯИМ даги улуши 0,4 %-га ўсди. ЯИМ улушида товар ва хизматлар соф экспортини 2003 йилдан бўён сезиларли олиб бораётганинги эътироф этиш мумкин. Соф экспорт саломгининг ошиб бориши асосан экспорт таркибини сифат жиҳатдан ўзгариши, яъни тайёр маҳсулотнинг улуши хом ашёга нисбатан тобора кўпайиб бориши, жаҳон бозоридаги кулаги конъюктура ва маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошиши натижасида экспорт ҳажмининг 10-12 %-га кўтарилиши ҳамда ташки савдо айланмасининг ижобий сальдосига эришилиши хисобига юз берган. Бу ҳолат республика иқтисодиётида амалга оширилаётган тузилмавий таркиби ўзгаришларининг натижаси хисобланади.

Тадқикот натижалари шуни кўрсатадики, ЯИМни ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усуllibарida мустақил баҳолаб таққослаганда, улар орасида сезиларли фарқ мавжуд. Бунинг асосий сабаблари: уй хўжалиги сектори тармоқларида кўшилган қийматни ҳисобга олиш услубиятини тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги; мавжуд маълумотларнинг маёнлари, таснифлаш ва концепциясининг турли-туманлиги ва ҳ.к. Бугунги кунда Давлат Статистика кўмитасида ЯИМни ҳисоблашнинг фақат ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усуllibariga кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, тадқикотда ЯИМнинг 2-усулини, яъни тақсимлаш усули кўрсаткичларини

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси мэълумотлари асосида ишлаб чиқилган

махаллий статистик ахборот базасини тақомиллаштириш бўйича аниқ тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда ялпи ва соғ ички маҳсулотлар ҳамда ялпи ва соғ миллий даромад кўрсаткичлари ўргасидаги боғланишларни тенгламалар билан ифодалаш тавсия этилган.

Муаллиф кузатувларига кўра, миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишга қаратилган давлат дастуридан асосий камчилик факат макроиктисодий даражаларда олиб борилишига зътибор қаратилганлигидадир. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, тадқиқотда ишлаб чиқилган давлат дастури обьектига кўшимча равишда регионал даражаларда ҳисобланадиган макро-микроиктисодий кўрсаткичларни миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаш услуби тақлиф этилган. Чунки регионал даражаларда ижтимоий-иктисодий ҳолат тўғрисидаги статистик маълумотларни олиш миллий иктиносидёт(макроиктисодий даражада)га нисбатан қулайроқ амалга оширилади. Шунингдек, тадқиқотда ялпи регионал маҳсулот(ЯРМ)ни ҳисоблашда тақкослама нархлардан фойдаланиш мақсадли эканлиги асослаб берилган (5-расм).



5-расм. Ялпи регионал маҳсулотни тақкослашнинг методологик чизмаси

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда Ўзбекистонда маҳаллий миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқиш бўйича мавжуд ахборот базасидан фойдаланган ҳолда 1991-2005 йиллар учун республика иктиносидётси миқёсида ишлаб чиқариш, даромадларни ҳосил бўлиши, тақсимланиши, фойдаланилиши ва сармоя билан операциялар счетлари тахлил қилинган ҳамда баҳоланган. Бунинг асосида: статистик конунчият ва иктиносидий ўсиш йўналишларини очиб бериш; ялпи ички маҳсулот тузилмаси ва таркибини аниқлаш; иктиносидёт секторлари ва алохида тармоқларнинг ривожланиш мутаносиблиги даражаси ва ўзаро

боғланишларини ўрганиш; истеъмол билан жамғариш, жамғариш билан инвестиция орасида макропропорцияларни кўрсатиш; умумлашган ички талаб ва тақлифнинг ўзгариш динамикасини аниклаш; ялпи ишлаб чиқариш, оралик истеъмол ва кўшилган қўймат кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш ва х.к. туради. МХТ асосида счетларни текшириш натижалари давлат бошқарув органлари томонидан иктиносидий сиёсатни ишлаб чиқиши масалалари бўйича муқобил қарорлар қабул қилишда, макроиктиносидий ҳолат ва иктиносидий конъюктураларни баҳолашда, киска ва узок муддатли эконометрик моделлар башоратларини ишлаб чиқишида фойдаланилади.

Шу ҳолатлардан келиб чиқиб, тадқиқотда миллий ҳисобларни комплекс таҳлил килиш йўллари асосланган. Хусусан, институционал сектор ва тармоқлар орасидаги: тузилмавий номутаносибликлар; ривожланишдаги номутаносибликтар; даромадларнинг ҳосил бўлиши ва фойдаланишдаги номутаносибликлар.

Муаллиф фикрича, маҳаллий МХТнинг счётларини таҳлили мамлакат, унинг минтақалари, тармоқ ва секторларини, ижтимоий-иктиносидий жараёнлари натижаларини аниқ акс эттириши керак. Шу ҳолатлардан келиб чиқиб, тадқиқотда МХТ таҳлилиниң умумиктиносидий ва алоҳида счётлари тизимини яхлитлаштириш, унинг асосий йўналишларини қайта ишлашнинг зарурлиги ҳисобга олинниб, таҳлилнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Яъни: алоҳида счётлар кўрсаткичлар тизими чи унинг мазмуни билан боғланган ҳолда таҳлили; миллий ҳисоблар тизими чи акс эттирувчи алоҳида иктиносидий жараёнларни характерлаш (маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш, даромадларнинг ҳосил бўлиши, бирламчи тақсимланиши, қайта тақсимланиши, фойдаланиш, жамғариш ва экспорт); Ўзбекистон Республикаси МХТидаги кўрсаткичларни МДҲ кўрсаткичлари, шунингдек ҳалқаро иктиносидётнинг ривожланишида Ўзбекистоннинг тутган ўрнини баҳолаш мақсадида ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш; Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктиносидий ривожланишида алоҳида институционал секторларнинг тутган ўрнини таҳлил қилиш; товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражасини баҳолаш, иктиносидётнинг тармоқ тузилмасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш.

МХТ таҳлилини умумиктиносидий ва алоҳида счётлари тизимини ягоналаштириш унинг асосий йўналишларини қайта ишлашнинг зарурлигини келтириб чиқаради. Тадқиқотда МХТ таҳлилиниң мақсад ва вазифалари билан боғланган ҳолда унинг турли йўналишлари аникланиб, улардан умумлашган аниқ масалаларни ечишда фойдаланиш йўллари асослаб берилган. Жумладан: ЯИМнинг шаклланиши ва иктиносидий тармоқ ҳамда секторларда ялпи кўшилган кийматнинг шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш; иктиносидётнинг тармоқ ва сектор бўлинмаларида иктиносидий фаолият натижалари ва муҳим мувозанатини ҳарактерлаш; иктиносидётдаги даромадларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини текшириш. Жумладан: фойда, тадбиркорлик (аралаш даромад), мулкдан олинган даромад, меҳнат бўйича даромадлар тузилмаси ва динамикасини очиб бериш; иктиносидий тармоқ ва секторларда якуний даромадларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланишни текшириш; иктиносидётдаги якуний истеъмолни уй

хўжалиги, давлат муассасалари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг истеъмолига ажратган ҳолда таҳлил қилиш; капитал қуйилмаларни молиялаштиришнинг энг муҳим манбаси сифатида ялпи ва соф жамғаришининг шаклланишини текшириш; ҳалқаро, тармоқлараро ва минтақалараро иктисадий алоқаларни таҳлил қилиш; макроиктисодий ўсишга таъсир килувчи омилларни очиб бериш ва экстенсив ҳамда интенсив омилларнинг таъсир дараҷаларини кўрсатиш.

Тадқиқотда республикада миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида статистик аҳборотлар базасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Чунки, Ўзбекистонда энг аввало, миллий ҳисоблар тизимига ўтищдаги – асосий муаммо-аҳборот базасини етарли дараҷада шаклланмаганилиги, уларнинг ҳалқаро андозаларга жавоб бермаслигидир. Шунинг учун тадқиқотда миллий ҳисоблар тизимининг тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир тармоқ бўйича статистик ҳисоботларни ислоҳ қилиш масалаларига, айниқса, уларни ҳалқаро қоидалар асосида ишлаб чиқиш, қайта ишлаш, топшириш муддатларини ўзгартириш бўйича бир қатор аниқ таклифлар ишлаб чиқилган. Республикада маҳаллий шароитларга уйғунлаштирилган миллий ҳисоблар тизимининг асосий счёtlари таҳлил килиниб, аҳборот тизимидағи камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган. Хусусан:

а) Миллий ҳисоблар тизимининг “даромадларни ҳосил бўлиш” ва “даромадларни тақсимланиш счёти”да “ишловчиларни меҳнат ҳаки” кўрсаткичи мавжуд бўлиб, унинг маълумотлар манбаи сифатида, 1-Т “Меҳнат ҳисобот” шакли хизмат қиласи. Лекин бу ҳисобот шакли МХТ талабалирига жавоб бера олмайди. Чунки МХТда ишловчиларнинг меҳнат ҳаки икки гурухга ажратилиган, яъни ишловчиларнинг ҳақиқий меҳнат ҳаки ҳамда ёлловчиларнинг ижтимоий суғуртага ажратмалари. Республикада 1-Т статистик ҳисобот шаклида умумий меҳнат ҳаки назарда тутилган. Муаллиф бу ҳисоботни қайта ишлаб чиқиша кўйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олишни тавсия қилган: иш берувчиларнинг ижтимоий суғуртага ажратмалари; мулк ва трансфердан даромад олувчилар; тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчиларни меҳнат ҳаки ва ҳоказолар.

б) “Сармоя билан операциялар” счётида моддий айланма воситалар заҳиралари ўзгаришининг умумий микдори акс эттирилади. Республикада МХТнинг бу счётини тузастганданда аҳборотлар манбаи сифатида, 1-фин “молия ҳисоботи” шакли хизмат қилиб, муаллиф мазкур шаклнинг “моддий айланма воситалар заҳиралари ўзгариши” бўлимида кўйидаги моддалар кўрсатилишини тавсия этган: ишлаб чиқариш заҳираларининг ўзгариши (ишлаб чиқарувчилар хўжаликларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари заҳираларини ҳисобга олмаган ҳолда); туталланмаган ишлаб чиқарувчиларни ўзгариши; тайёр маҳсулотларни ўзгариши (ишлаб чиқарувчилар хўжаликларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисобга олмаганда); товарларнинг ўзгариши (амалдаги ҳисобот шаклида мавжуд эмас); кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш заҳираларининг ўзгариши (устириши ва бокувдаги чорва молларини ҳисобга олган ҳолда – амалдаги ҳисобот шаклида мавжуд эмас); йўлдаги (жўнатилган)

товарларнинг ўзгариши (амалдаги хисобот шаклида мавжуд эмас); ўрмончилик маҳсулотларининг ўзгариши (амалдаги хисобот шаклида мавжуд эмас); давлат моддий резервларининг ўзгариши (амалдаги хисобот шаклида мавжуд эмас) ва ҳ.к.лар.

Тадқиқотда таклиф килинаётган статистик ахборотлар ҳажмини аниқлаш услуги хисобот шакллари (тармоқ ва тармоқлараро) ҳажмининг сифатини ошириш имкониятини кенгайтиради Маълумки, йиллик статистик ахборот ҳажмларини хисоблаш миқдорий кўрсаткичлар орқали аниқланади. Йиллик хисоблашларда миқдорий кўрсаткичлар ҳар бир хисобот шакли бўйича аниқланади, сўнг улар турли даражаларда корхоналар тўплами ва мулк шакллари бўйича ахборотлар ҳажмини хисоблаш учун фойдаланилади.

Статистик ахборотларнинг умумий ҳажмини таклиф килинаётган хисоблаш услугияти асосида ҳисоботларни қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ҳажмларини қисқартириш натижалари аниқланади. Илмий кузатиш натижаларидан кўринадики, статистик ҳисоботларни қайта кўриб чиқишида асосий эътиборни қўйидагиларга қаратиш лозим: бозор иқтисодиётини чукурлаштириш шароитида ўзининг қийматини йўқотган шакл ва кўрсаткичларни бекор қилиш; ялпи ҳисботовдан танланма текширишга ўтиш; тақдим этилаётган даврий ҳисботовларни қисқартириш.

Тадқиқотда иқтисодий ва ижтимоий соҳани ўз ичига қамраб олган, миллий ҳисблар тизимининг асосий уй хўжалиги сектори кенг доирада илмий тадқиқ этилган.

Оила бюджетини атрофлича ўрганиш бозор иқтисодиётини эркинлаштириш даврида ҳам долзарб саналмокда. Ҳозирги шароитда аҳолини турли ижтимоий гурухлари (фермерлар, мулк ва тадбиркорликдан даромад олувчилар, тадбиркорлар) вужудга келиб, аҳоли даромадлари ва харажатлари тузилмаларида муайян ўзгаришлар юз бермоқда. Давлат Статистика қўмитасининг уй хўжаликларини танланма усуулда ўрганиш учун вилоят статистика ходими учун туманларга бориб, уй хўжаликларини ўрганиб чиқишида мураккаблик келиб чиқмоқда.Хусусан, энг аввало вилоят марказидан чекка туманларга бориб келиш қийин бўлганилиги учун бир маротабагина бориб, яхши ўрганиб чиқилмаган анкета сўровномалари топширилмоқда; ёхуд молиявий салоҳиятли оиласлар анкеталарни тўлдиришга қатъий қаршилик кўрсатишмокда. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, тадқиқотда уй хўжалиги бюджетини чукурлашган ҳолатда текширишини ташкил этишининг қўйидаги услуги таклиф этилган: танлаб олиннаётган оиласлар миқдорини кўпайтириш ҳамда қанча ва қайси оиласларни танлаб олиш давлат статистика қўмитаси ваколатидан вилоят ва шахар статистика бошқармалари ваколатига ўтказилиши зарур. Фақат Давлат Статистика қўмитаси уларнинг умумий назоратини олиб бориши керак; туман статистика бўлимининг бир ходими айнан шу масалаларни ўрганиш билан шуғулланишлари керак; бир ойлик танланма кузатиш маълумотларини етарли даражада уй хўжаликларнинг фаолиятини ёритиб бермаётгани учун уларни йиллик кузатишларга ўтказиш керак; кузатиш ўтказилаётган уй хўжаликларини етарли равишда маблағ билан таъминлаб туриш керак; шахар ва кишлоқ фуқоролар йигинлари учун хўжалик дафтари

юритишни йўлга қўйиш керак; уй хўжаликларини танлаб олишда тасодифий, механик, типик, серияли, комбинацион каби статистик танлаш усулларидан кенг фойдаланиш зарур.

Тадқиқотда макроиктисодий қўрсаткичларни такомиллаштириш ҳамда уларда якка тартибдаги тадбиркорлик (ЯТТ) хиссасини қўрсатиш мақсадида 1-ЯТТ статистик ҳисобот шакли тақлиф этилган. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти учун анкета саволлари мажмуаси ишлаб чиқилиб, Фаргона вилояти статистика бошқармаси фаолиятида тажрибадан ўтказилиб, ижобий натижалар олинган. Анкета саволлари 3 блокдан иборат килиб тузиленган: 1-блок – умумижтимоий саволлар; 2-блок – хўжаликнинг иқтисодий ҳолатини ифодаловчи саволлар; 3-блок – хўжаликнинг келгуси ҳолатини белгиловчи саволлар. Анкета саволларига жавобларни ўрганиш натижасида, шу нарса қайд қилиндики, тадбиркорларнинг асосий муаммолари шахсий молиявий маблағларнинг етишмаслиги (59,2%), бозорда рақобатнинг кучлилиги (45,9%) солик тўловининг юкори даражадалиги (45,1%), назорат органларининг тез-тез аралашуви (21,8%), тўловга қобилиятли талабнинг ўқлиги (56,0%), транспорт харажатларининг юқорилиги (23,5%) кабилардан иборат экан.

Маълумки, БМТнинг МХТ-93 тавсияларида хуфёна иқтисодиётни ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Тадқиқотда эса, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келувчи омиллар аникланаб, улар уч гурухга: иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий омилларга ажратилган холда ўрганилган.

"Хуфёна иқтисодиёт" ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолашда Италия статистика хизмати эътиборга лойик тажриба тўплаган. Бутун дунёга машҳур бўлган "италиянча" баҳолаш-ҳисоблаш усули ушбу тажрибани умумлаштириш маҳсулидир. Тадқиқотда хорижий давлатларнинг хуфёна иқтисодиётнинг ҳажмини ҳисобга олиш усуллари (макро, микро, эгри, тўғри, товар оқимлари, яширин ўзгарувчилар, аралаш усул кабилар) кенг ўрганилиб, илмий хуносалар чиқарилган.

Ўзбекистон сингари МДҲ давлатлари ҳам XX асрнинг 90 йилларидан кейин бу масалани илмий тадқиқ этишга киришдилар. Тадқиқотда МДҲ давлатларида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил килиб берилган. Бу фаолиятнинг аксарият кисми қўйидаги тармоқларда кузатилаётганлиги баҳоланган: савдо (озиқ-овқат ва кийим-кечак бозорида якка ҳолдаги савдо фаолияти); транспорт (шахсий автомобилларда одам ташиш); курилиш (буортмага уй-жойларни куриш, таъмирлаш); саноат (уй хўжалигида озиқ-овқатлар, спиртли ичимликлар, кийим-кечаклар, пойафзал, мебель, автомобил ва маший хизмат қўрсатиш); соғлиқни саклаш (хусусий шифокор хизматлари, уларнинг даволаш муассасаларидағи қўшимча иш ҳаки); фан (хусусий репититорлик, тарбиячилик, энагалик); қишлоқ хўжалиги (аҳолининг дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариғи ишлаб чиқариш).

Тадқиқотда уй хўжалиги бюджетини чукурлашган ҳолатда ўрганиш, регионал даражаларда ЯИМнинг ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларидағи натижаларини ўзаро таққослаш орқали хуфёна иқтисодиётнинг ҳажмини аниклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари асосида МДҲ ва Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичлари ҳалқаро гаққосланган ва илмий хуласалар чиқарилган.

Таҳлил натижалари кўрсатадики, МХТ коидалари асосида барча МДҲ давлатларидаги макроинтисидий кўрсаткичларни ҳисоблаш иқтисодий вазиятни ўзаро таққослаш доирасини кенгайтиради. Масалан, 2001-2005 йиллар давомида МДҲ мамлакатларида ЯИМ физик ҳажм индексларининг ўтган йилга нисбатан сезиларли ўзгаришлари кузатилган. Ўзбекистонда ЯИМни ўсиш суратлари ўзгармас нархларда МДҲ давлатлари(Озарбайжон, Тожикистон, Кирғизистон, Молдова)га нисбатан юқори даражада эканлиги маълум бўлиб, унга асосан 2000 йилдан бошлаб, иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, базавий тармоқ ва секторларни жадал ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳисобига эришилмоқда.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида статистик моделлаштириш нафакат ташкилий-техник томондан, балки уларнинг илмий-услубий жиҳатлари бўйича ҳам мураккаб ҳисобланади. Кўпинча макроинтисидий моделда омил белги сифатида капитал ва меҳнат харажатлари натижавий белги сифатида маҳсулот кийматидан фойдаланилади. Бошқа илмий тадқиқотлардан фарқли равишда мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг 1996-2005 йиллардаги ЯИМ, соф ички маҳсулот, ялпи қўшилган киймати, капитал кўйилмалар ва капитал сигими маълумотлари асосида омилли индекс таҳлили асосида статистик моделлар тузиленган. Олиб борилган илмий кузатишлар асосида Ўзбекистон иқтисодиётининг уйғуллаштирилган жамлама-хўжалик статистик модели: айнан иқтисодий тизим даражаси, тузилемаси ва ўзгаришларини акс эттириши; ҳалқаро андозаларга асосланиши ҳамда ҳалқаро таққослашни олиб бориш имконияти жаҳон иқтисодий-статистик амалиётига мувофиқ бўлишилиги; Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор моделига ўтиш динамикасини акс эттириши зарурлиги асослаб берилган.

МХТга бағишланган кўплаб иқтисодий адабиётлар таҳлил қилиб кўрилганда, харажатларнинг кўпроқ тармоқ миқёсида таснифланишини башорат қилиш амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлинади. Тадқиқотда харажат кўрсаткичларини башоратлашнинг институционал секторлар бўйича амалга ошириш йўллари асослаб берилган.

j -секторнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва алоҳида институционал секторларнинг маҳсулотлари, нархларнинг ўзгариши қўидаги кўринишга эга бўлиши тавсия этилган:

$$\sum X_j^i = \sum X_j^0 \cdot J_{ji} \cdot J_{ij} = ПП_i^j \quad (7)$$

Бу ерда: X_j^0, X_j^i – базис ва ҳисобот даврига мос равиша i - секторнинг j -секторга маҳсулот етказиб беришидан кутилаётган киймат;

J_{pi} – ўрганилаётган даврда i - секторнинг маҳсулотларга бўлган ўртача нархи индекси, яъни

$$J_{p_i} = \frac{\sum q_i p_i}{\sum q_i p_0} \quad (8)$$

J_{p_i} – ўрганилаётган даврда j -секторнинг маҳсулот ишлаб чиқаришининг жисмоний ҳажми индекси

$$J_q = \frac{\sum q_i p_0}{\sum q_i p_i} \quad (9)$$

Π^1_j – хисобот даврида i секторнинг $i, j=I, I$ оралиқ истеъмоли

$$\left(\sum_{i=1}^I X_i = \Pi^1_j \right) \quad (10)$$

I – секторлар сони X_i^1 – кутилаётган микдорни аниқлаш учун таҳлил килинаётган даврда маҳсулотларнинг жисмоний ҳажми ва нарх индексларидан фойдаланиш зарур. Ушбу индексларнинг қийматлари иккита вектор кўринишидаги кўрсаткичларини хосил қиласди:

$$J_p = (J_{p1}, J_{p2}, \dots, J_{pI}) \quad (11)$$

$$J_q = (J_{q1}, J_{q2}, \dots, J_{qI}) \quad (12)$$

Шундай килиб, j - сектор оралиқ истеъмолининг янги (кутилаётган) микдорини олиш мумкин.

Тадқиқотда МХТ кўрсаткичларининг ўзаро алоқалари ва боғликлигини тадқиқ қилиш учун вариация ва ковариация қоидаларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, ЯИМ (X) билан аҳолининг якуний истеъмол харажатлари (Y) орасидаги боғликлекни ўрганишда, ковариация ва регрессия коэффициенти ва регрессия тенгламасидан фойдаланиш таклиф этилди. Жумладан, тадқиқотларга кўра Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига тўғри келган ЯИМ ва бир уй хўжалигининг якуний истеъмол харажатлари орасидаги боғланишининг чизиклилигидан келиб чиқилди, у куйидаги тенглама билан ифодаланди:

$$Y_x = b_1 + b_2 X \quad (13)$$

Бу ерда: Y_x – аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ.

x – уй хўжалигига тўғри келган якуний истеъмол харажатлари.

b_1 ва b_2 – регрессия тенгламаси параметрлари.

Юкоридаги формуладан келиб чиқиб, куйидаги натижалар олинган:

$$Y_x = 14,2 + 0,62 x \quad (14)$$

Хисоб-китоб бўйича $b_2=0,62$ га тенг. Демак, ҳар бир уй хўжалиги аъзоси томонидан якуний истеъмол харажатларининг бир сўмга ошиши, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг 0,62 сўмга ошишига олиб келади.

Ҳар бир уй хўжалиги аъзосининг якуний истеъмоли даражасининг 81,4 % вариацияси аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ вариациясига боғлик. Корреляция коэффициентнинг қиймати аҳоли жон бошига ЯИМ ва уй хўжалигининг бир аъзосига тўғри келган якуний истеъмол харажатлари орасидан тўғри ва яқин ($r=0.814$) боғланиш мавжудлигидан далолат беради.

Демак, миллый иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш шароитида мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги ҳодиса ва жараёнларни башпоратлашда халқаро андозаларга асосланган МХТ кўрсаткичларидан

фойдаланишга зарурат түғилади. Шу ҳолатлардан келиб чиқиб тадқиқотда республикада башоратлаш услугиятини такомиллаштириш мақсадида «статистик башоратлаш тамойиллари» таклиф этилган. Жумладан: башоратлашни мақсадли амалга ошириш учун күпроқ ўртача даражалардан (ўртача ўсиш ёки ўртача камайиш) фойдаланиш, таққослама нархлар кўлланилиши, танланнаётган даврларнинг узок муддатлилиги, ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар тенг ораликли қаторларга берилиши, муҳим кўрсаткичлар танланиши илмий жиҳатдан асослаб берилган.

3. ХУЛОСА

Тадқиқот ишида эришилган натижалар асосида куйидаги хулосалар чиқарилган:

1. Республикада миллий ҳисоблар тизимини тўлақонли ишлаб чиқиши жараёнида Ўзбекистон Давлат Статистика кўмитаси томонидан юксак ишлар амалга оширилиши керак. Бу ишлар МҲТнинг жорий этиш муаммолари бўйича техник хизмат кўрсатиш, тажриба алмашишини йўлга кўйиш, ҳалқаро ҳамкорликка ёрдам бериш ва ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан бериладиган ёрдамни тезлик билан ўзлаштириш учун қулагай шароитлар яратишдан иборат. Шунинг билан бирга унинг вазифаси республикада ишлаб чиқилаётган миллий ҳисоблар тизимининг энг муҳим кўрсаткичларини яхлит бир тизимда ифодалаш жараёнини ташкил этиш, уларнинг ҳалқаро таққосланишини таъминлаш, бу маълумотларни турили истеъмолчилари ўртасида самарали тарқатишдан иборат бўлади. Буларнинг барчаси республика иқтисодиётини баркарорлашуви ҳамда ҳалқаро иқтисодий муносабатларининг кенгайишига ёрдам беради.

2. МДҲ давлатлари статистика бўлимларида МҲТни жорий қилиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилиб, муайян амалий тажрибалар тўпланган. Айниска, Россия, Белорусь ва Украина давлатлари маҳаллий МҲТни тадбиқ этиш соҳасида етакчи ҳисобланади. Лекин аксарият ҳолларда улар XXБ тизими ўрнини тўлиқ инкор этган ҳолда МҲТни жорий қилишга ҳаракат қилишмоқда. Тадқиқотда иккала тизимдан ҳам биргаликда фойдаланилган ҳолда аста-секинлик билан МҲТга ўтилиши таклиф этилиб, у куйидагича изоҳланган:

а) ушбу тизим МДҲда 80 йилдан ортиқ амал қилиб келди. Хўжалик юритиши, жамлама иқтисодий моделларни тузиш, иқтисодий тармоқларга бўлиб ўрганиш XXБ тизими асосида амалга оширилди. Иқтисодий кўрсаткичлар ва турли ҳисбот шакллари шунга мослаб курилган эди. Шунинг учун бу тизимни дарҳол тугатиш шарт деган фикрни мантиқий эмас деб ҳисоблаш лозим;

б) ҳамон МҲТнинг ўзларида бир бутун тизим сифатида шакллантириб олган, унинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб берадиган етук мутахассислар жуда озчиликни ташкил этади. Шуларга асосланиб, тўлақонли маҳаллий МҲТни ишлаб чиққунга қадар XXБ тизимидан вақтингча фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

в) иктисодиётни бозор муносабатлари асосида юритиш натижасида бухгалтерияда ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бунинг натижасида янги миллий стандартлар ишлаб чиқилмоқда. Охирги йилларда ишлаб чиқилган бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари МХТ коидаларига тўла мос келмайди. Харажатлар таркиби тўгрисидаги низомда харажатларни тўла моддалари оралиқ истеъмол, якуний истеъмол, трансфертлар ва қўшилган қийматнинг бошқа элементларига аниқ ажратилиши етарли даражада ўз ифодасини топмаган. Бу ўз навбатида миллий иктисодиёт бўйича ЯИМ қўрсаткичини ишончли ҳисоблашга салбий таъсир қўрсатади. Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари МХТнинг талабларини тўла кондириши керак;

3. Бозор иктисодиёти тамоилларини ўзлаштиряпмиз, лекин иктисодиёт тармоқлари тузилмаси ҳамон МХТ талабларига жавоб бермайди. Бу эса иктисодий бирликлар ўртасидаги оқимлар қийматини таҳлил килиш ва истиқболини белгилаш жараёнларини, шунингдек, ишлаб чиқариш тузилмасини ҳамда молиявий актив ва пассивларни ўрганиш имкониятини қийинлаштиради. Шунинг учун республикада иктисодий тармоқларнинг таснифланишини БМТ таснифлашларига мослаштириш зарур.

4. МХТнинг аналитик имкониятларидан келиб чиқиб, миллий ҳисоблар қўрсаткичларининг барча босқичлари(бирламчи маълумотларни олишдан бўшланиб, баланс жадвалларини тузиш билан якуланади)ни ҳисоблаш услубий асосини кўриб чиқишини таъминлаш мухимdir. Шунингдек, МХТ концепцияси асосида макроиктиносий тенгламаларни тузиш, пул-кредит соҳалари, тўлов баланси ва давлат бюджети билан ишлаб чиқариш, даромадларнинг тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва фойдаланиш баланслари бўйича ҳисобланадиган асосий ҳисобларнинг ўзаро bogланишини статистик қўрсаткичларда ифодалаш зарур.

5. Миллий ҳисоблар тизими тамоиллари асосида ахборотларнинг сифатини ошириш ҳамда статистик ахборот базаларини ислоҳотлаш муаммоларини ҳал қилиш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши зарур:

- ҳўжалик субъектларининг статистик регистрини мукаммалаштириш ва унинг маълумотларининг ишончлилигини доимий равишда кузатиш;
- корхона ва муассасалар фаолиятини кузатиш мақсадида маълумотларни тўплаш учун танланма усулни қўллаш;
- миллий ҳисоблар тамоиллари асосида истеъмолчиларнинг ишончли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида статистик ҳисботларни шаклини яхшилаш;
- иктисодиётни ривожлантириш ҳамда ҳалқаро таққослашни таъминлаш мақсадида статистика амалиётида ҳалқаро таснифлагичларни кенг қўллаш.

6. Миллий статистика амалиётига МХТни қўллаш кўп босқичли жараён бўлиб, юқори даражада умумлашган счётларни қайта куришни, шунингдек ҳўжалик субъектларининг турли хилдаги иктисодий фаолиятини ифодаловчи маълумотлар оқимларини ташкил этиш ва ислоҳ килишни ўз ичига олади. Шубҳасиз, МХТни ишлаб чиқиши бўйича муаммоларни ҳал қилиш йўлида мавжуд бўлган информацион база жуда долзарб масала бўлиб, у жиддий ҳал

қилишни талаб этади. Келгусида статистика амалиётiga МХТни жорий қилишда тармоклар иқтисодиётини баҳолаш; иқтисодий фаолиятни секторлар бўйича счёtlарини тузиш; МХТ коидалари асосида тармоқлараро балансни тузиш ва интеграциялаш каби ишлар амалга оширилиши керак.

7. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий даражаларда миллий хисобларни ишлаб чиқишида статистика соҳасида куйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- маҳаллий иқтисодиётни кенгроқ таснифлаш мақсадида тармоклар таснифи билан бирга уларни институционал секторлар бўйича ҳам таснифлашини йўлга кўйиш;
- ижтимоий-иктисодий ҳолатни баҳолаш мақсадида ҳар бир институционал секторлар учун махсус счёtlар тузиш;
- маҳаллий даражаларда тармоқ ҳамда институционал секторларнинг асосий кўрсаткичлари бўйича натижаларини ўзаро таққослаш;
- маҳаллий даражаларда счетларни тузишда ахборот таъминотини тақомиллаштириш мақсадида танланма кузатиш усулидан фойдаланиш;
- маҳаллий иқтисодиёт счетлари натижаларидан келиб чиқиб, ижтимоий – иқтисодий ҳолатнинг башоратлашини амалга ошириш ва статистик баҳолаш.

8. Маҳаллий МХТни ишлаб чиқаётганда МДҲ давлатлари, хусусан Россия Федерациясининг бу соҳадаги тўплаган тажрибалари ҳамда амалий ишларидан фойдаланиш зарур. Айниқса, миллий иқтисодиёт ва сектор ҳамда тармоклар бўйича миллий счёtlарни тузиш, йиллик ва чораклик ЯИМ нинг ҳажмини таққослама нархларда ифодалаш, регионал даражаларда ялпи ички маҳсулотни хисоблаш, уй хўжалиги бюджетини текшириш асосида аҳоли турмуш даражасини баҳолаш ҳамда бир хил асосга келтирилган статистик хисобот шакллари асосида барча иқтисодий тармоқ соҳалари фаолиятининг умумиқтисодий кўрсаткичларини тақомиллаштиришда уларни тажрибасидан фойдаланиш зарур.

9. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, республикада маҳаллий МХТ нинг жорий этишда уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар сектори алоҳида сектор сифатида таснифланмаслиги таклиф этилади. Чунки бу секторнинг ЯИМ даги улуши жуда кам бўлиб, ўртacha 1,0 % га якин, колаверса уни тасарруфидаги ташкилотлар давлат бюджети хисобига молиялаштирилади. Ваҳоланки, БМТ МХТ -93, ЕМХТ -95 халқаро андозалари тавсияларига кўра ушбу сектор ўз-ўзини маблаг билан таъминлай оладиган мустакил сектор хисобланади.

10. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида корхоналар ва уй хўжаликлари иқтисодий фаолияти танланма усуlda статистик ўрганилади. Демак, халқаро статистика танланма усулага асосланган. Республикада ҳозирги кунгача уларнинг фаолияти мажбурий статистик хисобот юритиш, яъни ёппасига статистик кузатиш усулига асосланган. Халқаро статистиканинг талабларидан келиб чиқиб, республикада кўп укладли иқтисодиётни статистик ўрганишда танланма кузатиш усулига ўтиш зарур.

11. Ҳозирги кунгача иқтисодий адабиётлар (макроиктисодиёт, иқтисодиёт назарияси, статистика) да мамлакатнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичи

сифатида ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиб келинмоқда. Лекин БМТнинг қабул қилган МХТ – 93 ҳалқаро андозаси тавсиясига кўра ялпи миллий маҳсулот 1953 йилдан 1993 йил феврал ойигача амал қилиб, эндиликда бу кўрсаткич ўрнига ялпи миллий даромад кўрсаткичи қўлланилиши зарур. Шундан келиб чикиб, келгусида миллий ҳисоблар тизимининг макроиктисодий кўрсаткичи сифатида ялпи миллий даромад ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятига алоҳида зътибор қаратиш зарур.

12. Тадқиқотда хуфёна иктисодий фаолиятнинг ҳажмини ҳисобланшининг янги йўллари таклиф этилган. Улар куйидаги 3 та ҳолатда намоён бўлади:

а) “Хуфёна иктисодиёт” категориясидан “хуфёна фаолият” категориясиغا ўтиш. Бунда асосий фарқ шундаки, биринчисида ишлаб чиқариш жараёни, иккинчисида эса иктисодий фаолиятни барча турлари ҳисобга олинади.

б) бир вактнинг ўзида киймат ҳаракатининг учала босқичини: ишлаб чиқариш жараёни, даромадларни ҳосил бўлиши, даромадлардан фойдаланиш жараёнларини кўриб чиқиши. Ҳар бир босқичнинг ўзини хуфёна даромадлари бўлади, бир босқичдан иккинчисига ўтаётганда уларнинг ҳажми ортиб боради. Шунингдек, биринчи босқичда факат хуфёна маҳсулот, иккинчи босқичда хуфёна иш ҳаки ва фойда, учинчи босқичда даромадларни қайта тақсимлаш жараёнида ҳосил бўладиган хуфёна молиявий оқимлар қўшилади.

в) макроиктисодий кўрсаткичлар оркали хуфёна фаолиятнинг ҳажмини аниклашга кирилиши. Хорижий тажрибалар кўрсатишича, кўпгина умумлаштирувчи турдаги бу кўрсаткичлар миллий ҳисоблар тизими асосида ўрганилади.

13. Ҳозирги шароитда ҳалқаро андозаларга асосланган МХТ талабларидан келиб чикиб, миллий статистикани ислоҳ қилиш бирламчи аҳамиятга эга бўлган вазифага айланиши зарур. Бунинг учун куйидаги йўналишлардаги ишларни жадаллаштириш зарур:

- ҳалқаро андозаларга мувофиқ миллий статистиканинг асосий вазифаси “статистик кузатиш”дан “статистик таҳлил”га ўтиши;
- ягона “статистика тили”да сўзлашиш учун хорижий тажрибаларни кенг доирада ўрганиш;
- статистик аҳборотлар барча истеъмолчилар ҳамда фойдаланувчилар учун очиқ бўлишлиги, “ошкоралик” тамойилини амал қилиши;
- миллий ҳисоблар тизимининг асосий усули ҳисобланган танланма кузатишга босқичма-босқич ўтиш;

14. Тадқиқотда республика статистикасини ҳалқаро андозалар талаблари асосида ислоҳ қилишнинг ҳозирги даврдаги асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиши тавсия этилади: мамлакат миллий хўжалик жараёнларини зарурий маълумотлар билан таъминлаш; турли давлат бошқаруви даражасида қарорлар қабул қилиш учун ижтимоий-иктисодий ривожланиши ифсодаловчи аниқ ва тўла статистик маълумотларни олишига шарт-шароит яратиш; ҳалқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишини, шу жумладан жаҳон бозорларида республика товар ва хизматларининг рақобатбардошлилиги тўғрисида маълумотларни акс эттириш; келгусида статистик кўрсаткичларнинг ҳисоблаш

услубиятини такомиллаштириш; ҳалқаро андозаларга мувофиқ, Ўзбекистон иқтисодиётининг замонавий миллый моделини характерлаш ва бошкалар.

Бунинг учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

– **биринчидан**, МХТнинг кўрсаткичларини хисоблаш услуби ва услубиятини ишлаб чикишни охирига етказиш, бунинг асосида корхоналар статистикаси, давлат молияси ва банк статистикаларини ўзаро боғланган ҳолда ўрганиш;

– **иккинчидан**, юқоридагиларга асосланиб, тармоқ кўрсаткичларини ишлаб чиқаришдан якуний истеъмолгача хисоблаш услубини қайта ишлашини комплекс ўйлларини таъминлаш;

– **учинчидан**, хўжалик субъектлари ўртасида бозор муносабатларини ривожланиш хусусиятларининг комплекс статистик кўрсаткичларини ишлаб чиқиши;

– **тўртинчидан**, қонуниятларни ва хўжалик амалиётидаги ўзгаришларини хисобга олиб, статистик кўрсаткичларни хисоблаш услубининг такомиллаштириш имкониятларини белгилаш ва ҳ.қ.лар.

15. Статистика соҳасидаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида статистик ахборотларни йигиши ва бирламчи ахборотларни қайта ишлашда тезкорлик ҳамда ишончлиликни таъминлашнинг электрон шаклларини кенг қўллаш устувор вазифа хисобланади. Чунончи, бу технологиянинг Давлат Статистика кўмитаси, маҳаллий статистика идоралари, корхоналар ва бошқа хўжалик субъектлари учун афзаллуклари қўйидагилардан иборат:

– бирламчи ҳисоботларни акс эттириш ва йигишда тезкорликни оширади;

– автоматлаштирилган назорат туфайли бериладиган ахборотнинг сифати ошади;

– ахборотларни анъянавий ҳолда тайёрлаш ва узатишида воз кечади, шунингдек ҳисоботларни куръер ёрдамида етказишини инкор қиласди;

– ҳисобот тизимидағи вақтни тежайди ва статистик таҳдил ҳамда баҳолаш имкониятларини оширади.

16. Республикада маълумотларни ҳалқаро таққослашнинг замонавий усусларини ўзлаштириш сусткашлик билан бориб, ҳали кўп раҳбар ва мутахассислар унинг объектив хусусиятларини тўлиқлигича ўзлаштирганларича йўқ. Келгусида ҳисобот ва статистика тизимини ҳалқаро талаблар ва меъёллар даражасига кўтариш ва амалиётга татбик этиш жараённида статистика мутахассислари билан бир қаторда иқтисодчи олимлар, вазирлик, идоралар, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ягона дастур асосида иш юритишлари мақсадга мувофиқдир.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

I. Китоб ва туркум нашрлар

1. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими-макроиктисодий таҳдил асоси. Монография. Т.: "Фан", 2001., 179 б.
2. Фойибназаров Б.К. Макроиктисодий статистика. Ўкув қўлланма. С.С.Ғуломов таҳрири остида Т.: "Дитаф", 2001., 275 б.
3. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. Ўкув қўлланма. -Т.: "Адабиёт жамғармаси", 2004., 106 б.
4. Фойибназаров Б.К., Ёкубов И.О., Абдусатторова Х., Очилов К. Баланс муаммолари. Ўкув қўлланма. - Т.: "Адабиёт жамғармаси" 2004., 160 б.
5. Фойибназаров Б.К. Аҳолининг турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: "Фан", 2005., 126 б.

II. Журналлардаги маколалар

6. Фойибназаров Б.К., Набиев Х. Томорқанинг аҳамияти (ёки аҳолининг шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликлари хусусида). // Ж. Иқтисод ва ҳисбот журнали, 1995. -№1, 2. –Б. 64–65
7. Фойибназаров Б.К., Набиев Х. Миллий ҳисоблар тизими (ёки Ўзбекистон давлат статистикасини миллий ҳисоблар тизимига ўтказиш хусусида). // Ж. Иқтисод ва ҳисбот журнали, 1996. -№3, 4. –Б. 54–59
8. Фойибназаров Б.К. Ишбилармонлик ва деҳқон хўжаликлари. // Ж. Иқтисод ва ҳисбот, 1996. -№10. –Б. 58–60.
9. Фойибназаров Б.К. Уй хўжалиги сектори – статистик ўрганиш обьекти. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000. -№8. –Б. 20–23.
10. Фойибназаров Б.К. Молиявий-моддий механизмнинг такомиллашувидағи ўзгаришлар таҳдили. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000. -№10. –Б. 42–43.
11. Гайибназаров Б.К. Цены в системе национальных счётов. //Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 2001. -№3. –С. 56–57.
12. Фойибназаров Б.К. Дунёвий андозалар даражасидаги статистикани ташкил этиш. // Ж.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001.-№3.–Б.16–17.
13. Фойибназаров Б.К. Ҳуқуқ ва имконият. // Ж. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги, 2001. -№4. –Б. 13–14.
14. Фойибназаров Б.К., Ашурова Д. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва тақлиф бозори. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. - №7,8. –Б. 28–30.
15. Фойибназаров Б.К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини статистик ўрганиш. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2002. -№1. –Б. 48–53.
16. Гайибназаров Б.К. Система национальных счётов – инструмент макроэкономического регулирования. // Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 2002. -№2. –С. 44–46.
17. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимида қўлланиладиган гурухлаш ва таснифлашлар. // Ж.Бозор, пул ва кредит, 2002. -№4. – Б. 79 – 82.

18. Гойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. // Ж. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги, 2002. -№3. -Б. 23–25
19. Гайибназаров Б.К. Статистическое изучение сектора домашнего хозяйства в рамках системы национальных счетов. // Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 2002. -№3. -С. 55–57
20. Гойибназаров Б.К. Яширин иқтисодиёт ва унинг ҳажмини ҳисоблаш усуллари. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2003. -№4. -Б. 39–43
21. Гойибназаров Б.К. Ялпи ички маҳсулотни ўзгармас баҳода ҳисоблаш усуллари. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2004. -№4. -Б. 61–64
22. Гойибназаров Б.К., Мухиддинова У.С. Аҳоли истеъмоли ва ҳаражатларини статистик баҳолаш. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2005. -№3. -Б. 71–77
23. Гойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши–иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади. // Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йўлларида (1-кисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳотлар). “Ахборот гурухлари” фаолиятида фойдаланиш учун илмий –оммабоп маколалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2005. -Б. 38–59.
24. Гайибназаров Б.К. Использования системы национальных счетов в неформальной экономике // Ж. Экономика и финансы, М.: 2006. -№6. -с. 20–25
25. Гайибназаров Б.К. Проблемы построения национальных счетов и их дальнейшее развитие в Республике Узбекистан. // Ж. Экономика и финансы, М.: 2006. -№8. -с. -32–36.

III. Симпозиум ва конференция ишлари

26. Гойибназаров Б.К. Халқ хўжалиги баланси ва миллий ҳисоблар тизими орасидаги асосий фарқлар. // Проблемы методологии и методика анализа и прогнозирования социально-экономического развития и статистики. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 1995., 155–161 б.
27. Гойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимининг ривожланиш тарихи. // Бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий ва амалий асослари. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 1995., 3 - 4 май, 22–24 б.
28. Гойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимининг янги халқаро стандарти. // Тадбиркорлик ва маънавий камолат. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 1996., 17 май, 130 – 131 б.
29. Гойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимида уй хўжалиги секторининг тузилиши ва моҳияти. // Бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий ва амалий асослари: Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент., 1995, 3-4 май – 24 –27 б.
30. Гойибназаров Б.К. Маркетинг тадқиқоти ва уй хўжалиги иқтисодий фаолиятини ўрганиш. // Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маркетинг: муаммо ва ечимлар. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 1997., 66 – 67 б.
31. Гойибназаров Б.К. Бозор ва ҳисбот. // И.Каримов: "Ўзбекистон XXI- аср бўсағасида" (муаммолар, вазифалар, ечимлар). Респ. илм. амал. анж. матер. Тошкент, 1997., 189 –192 б.
32. Гайибназаров Б.К., Таджиев Р. Структура внешнего долга республики Узбекистан. // Приоритетные направления развития финансовой системы в

условиях рыночных отношений. Тез. докл. межд. науч - прак. конф. М., 2000, 4–6 декабря, с.113 – 114

33. Фойибназаров Б.К. Ўзбекистон ҳисоб ва статистикасини жаҳон андозаларига ўтказиш зарурлиги. // Интеграция Республики Узбекистан в мировое сообщество. Рес. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2000., 22 декабря, 90-91 б.

34. Фойибназаров Б.К. Бозор иқтисодиёти шароитида ахоли турмуш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлар. // Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси. Респ. илм. амал. анж. матер. Тошкент, 2000.,15 марта, 117–119 б.

35. Фойибназаров Б.К. Ўзбекистон статистикасини халқаро андозаларга ўтказиш. // Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2000., 15 марта, 75 –76 б.

36. Фойибназаров Б.К. Миллый ҳисоблар тизимининг макроиктисодий кўрсаткичлари ва асосий ҳисобламалари. //Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2000, декабрь, 145 – 147 б.

37. Фойибназаров Б.К. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида кишлоқ хўжалиги соҳасини миллый ҳисоблар тизими асосида ўрганиш. // Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устивор йўналишлари. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2000.,20 май, 133 –134 б.

38. Гайибназаров Б.К. Система национальных счетов и деятельность предприятия. //Некоторые проблемы развития рыночной экономики. Труды молодых ученых и аспирантов Российской Федерации и Узбекистана. Сб. науч. трудов. – М., МГУ, МАКС Пресс, 2002, с.17-21

39. Фойибназаров Б.К. Бозор ва статистика. // Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти: ислоҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштириш. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2002., 22– 23 октябрь, 7- 10 б.

40. Фойибназаров Б.К. Миллый ҳисоблар тизими – бозор иқтисодиёти модели. // Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2002., 21 декабрь, 87-89 б.

41. Фойибназаров Б.К. Бухгалтерия ҳисоби ва миллый ҳисоблар тизими. // Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллый стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муоммолари. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2002., 15 – 16 марта, 194–197 б.

42. Фойибназаров Б.К. Миллый иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика ҳисоб ва статистикасини такомиллаштириш йўллари. // Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш ва эркинлаштириш. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2002, 22– 23 октябрь, 151–153 б.

43. Гайибназаров Б.К. Классификация цен применяемые в системе национальных счетов. //Некоторые проблемы развития рыночной экономики. Труды молодых ученых и аспирантов Российской Федерации и Узбекистана. Сб. науч. трудов. – М., МГУ, МАКС Пресс, 2002, с. 8–11

44. Фойибназаров Б.К. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уй хўжаликларининг иқтисодиётда тутган ўрни. //Миллый иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни

ривожлантиришда татбиқ этиш. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2004., 18 октябрь, 145–147 б.

45. Фойибназаров Б.К. Уй хўжаликлари фаровонлигини ошириш–давр талаби. // Минтақа – табиий ресурсларидан фойдаланишининг бозор механизми ва уни тақомиллаштириш муаммолари. Респ. илм. амал. анж. матер. – Тошкент, 2005., 28 февраль, 131 – 134 б.

46. Фойибназаров Б.К. Уй хўжалиги секторининг миллый иқтисодиётда тутган ўрни. // Иқтисодиётни модернизация ва ислоҳ этиш–барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли. Респ. илм. амал. анж. матер.–Тошкент, 2005.,15 март, 46–52 б.

47. Фойибназаров Б.К., Баҳрамова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этиш йўллари. // “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари”. Рес.илм.амал.анж.матер. – Тошкент., 2005., 21 октябрь,25-27 б.

48. Фойибназаров Б.К., Мухиддинова У.С. Уй хўжалиги сектори доирасида кичик секторларни ташкил этиш зарурияти ва йўллари. // “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари”. Рес.илм. амал. анж. матер. – Тошкент., 2005., 21 октябрь, 254-255 б.

49. Фойибназаров Б.К., Баҳрамова Д. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари // “Миллый иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари”. Рес.илм.амал.анж.матер. – Тошкент., 2005., 16 ноябрь, 219-221 б.

Иктисолд фанлари доктори илмий даражасига талабгор Фойибназаров Баҳодир Каримовичнинг 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” иктинослиги бўйича “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари (статистик аспект)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: миллий ҳисоб, ҳалқаро андозалар, иктисолий операция, респондент, танланма кузатиш, ички ва ташқи счёtlар, институционал секторлар, макроиктисолий таҳлил, статистик ҳисобот.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасининг кўп укладли иктисолиёти, унинг таркибидағи иктисолиёт секторлари, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасалари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон миллий иктисолиётининг глобаллашуви шароитида жаҳон андозаларига мувофиқ маҳаллий миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий муаммоларини статистик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш ва уларни ҳал қилиш йўллари юзасидан амалий таклиф ҳамда тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқот усуслари: тадқиқот жараёнида илмий таҳлилнинг умумий услублари, шунингдек, маҳсус статистик услублар – танлана кузатиш, эксперт баҳолаш, анкета орқали текшириш, статистик гурӯхлаш, иктисолий индекслар кабилардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: “Миллий ҳисоблар тизими” тушунчасига янги мазмундаги таъриф ишлаб чиқилган; республикада миллий ҳисоблар тизимининг асосий ички счёtlарини тузиш ва ахборот таъминотини мукаммаллаштириш бўйича таклифлар берилган; миллий ҳисоблар тизими қоидалари асосида регионал макроиктисолий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг тақомиллаштириш йўллари асосланган; миллий ҳисоблар тизимидаги кўп ўлчовли баҳолаш базасида статистик моделлаштириш ва башоратлаш амалга оширилган.

Амалий аҳамияти: Жаҳон иктисолиёти глобаллашуви шароитида маҳаллий миллий ҳисоблар тизимидаги асосий счетларнинг статистик ахборотлар базасини ҳамда ундаги макроиктисолий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг статистик усусларини тақомиллаштириш юзасидан берилган амалий таклифлар ва тавсиялар республиканинг хорижий давлатлар билан амалга ошириладиган ҳалқаро статистик ҳисоб-китобларига оид муаммоларини ҳал қилишга имкон беради.

Татбиқ этиш даражаси ва иктисолий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари Самарқанд (№1279, 25.07.02), Андижон (№63-01-02-243, 28.09.02), Наманганд (№01-115, 25.03.03) вилоятлари статистика бошқармалари амалий иш фаолиятида қўлланилди ва статистик ҳисботлар билан боғлиқ Сўлінган харажатларни камайтиришга эришилди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан Давлат Статистика кўмитаси, маҳаллий статистика бўлимлари амалий фаолиятларида фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Гайибназарова Баходира Каримовича на тему "Научно-методологические основы разработки системы национальных счетов в Республике Узбекистан (статистический аспект)" на соискание учёной степени доктора экономических наук по специальности 08.00.06 – "Эконометрика и статистика".

Ключевые слова: национальный счёт, международные стандарты, экономическая операция, респондент, выборочное наблюдение, внутренние и внешние счёта, институциональные сектора, макроэкономический анализ, статистическая отчетность.

Объекты исследования: в качестве объекта исследования выбрана многоукладная экономика Республики Узбекистан, ее экономические сектора, инфраструктурные объекты, оказывающие сервисные услуги.

Цель работы: научное исследование теоретических и практических проблем разработки системы местных национальных счетов в соответствии с мировыми стандартами и выработка рекомендаций и предложений по их решению в условиях глобализации национальной экономики Республики Узбекистан.

Метод исследования: в процессе исследования были использованы общие, а также такие специальные статистические методы научного анализа, как: выборочное наблюдение, экспертная оценка, анкетное обследование, статистическая группировка, экономические индексы и др.

Полученные результаты и их новизна: дана новая трактовка понятия "Система национальных счёта"; выработаны рекомендации по использованию основного внутреннего счёта, соответствующие местным условиям республики и совершенствованию информационного обеспечения; усовершенствована методика исчисления региональных макроэкономических показателей; проведено статистическое моделирование и прогнозирование его на базе оценивания.

Практическая значимость: разработанные практические рекомендации и предложения по совершенствованию статистической информационной базы и методов статистического учета его макроэкономических показателей в системе местных национальных счетов в условиях глобализации мировой экономики позволит решению проблем, возникающих при взаимных международных статистических расчетах республики с зарубежными странами.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты исследования были применены в практической деятельности статистических управлений Самаркандского (№1279, 25.07.02), Андижанского (№63-01-02-243, 28.09.02), Наманганского (№01-115, 25.03.03) вилоятов и достигнуто снижение затрат, связанных с статистическими отчетностями.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы в практической деятельности Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан и местных статистических органов.

RESUME

Thesis of Goyibnazarov Bakhodir Karimovich presented to get Doctor's degree of economic sciences on speciality 08.00.06 - "Econometrics and statistics" Subject: "Scientific - methodological bases of development of the national accounting system in the Republic of Uzbekistan (statistical aspect)"

Key words: national account, international standards, economic transaction, respondent, selective observation, internal and external accounts, institutional sectors, macroeconomic analysis, statistical reporting.

Subject of the inquiry: as an object of research the multi-structure national economy of the Republic of Uzbekistan, its economic sectors, infrastructural objects rendering services have been chosen.

Aim of the inquiry: scientific investigation of theoretical and practical problems of developing the national accounting system according to the world standards and introduction of recommendations, proposals on their solving in conditions of globalisation of national economy of the Republic of Uzbekistan.

Method of inquiry: during research the general and also special statistical methods of scientific analysis such as: selective observation, expert evaluation, questionnaire, statistical grouping, economic indexes and etc. have been used.

The results achieved and their novelty: the new concept for "national account" has been given; the recommendations on applying the basic internal account meeting the local conditions of the Republic, and perfection of information maintenance have been worked out; methodology of estimation of regional macroeconomic parameters has been improved; the statistical modelling and its forecasting based on evaluation have been carried out.

Practical value: the elaborated practical recommendations and proposals on development of statistical information base and methods of statistical accounts of its macroeconomic parameters in the system of local national accounts in conditions of globalisation of world economy lets solve the problems being caused at mutual international statistic settlements with foreign countries.

Degree of embed and economic efficiency: the main results of research have been used in the practical activity of statistical boards of the Samarkand (No 1279, 25.07.02), Andijan (No 63-01-02-243, 28.09.02) and Namangan oblasts (No 01-115, 25.03.03) and the expenses related to statistical reporting have been cut.

Sphere of usage: the results of research can be used in practical activity of the State Statistics Committee and local statistical bodies.

Тадқиқотчи

Қоғоз бичими	2 б.т.
Босишига рухсат этилди	22.04.2006 й
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	373

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха күчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкӯчаси, 49 – уй
e – mail: talaba@tsue.uz